O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 10-dekabr, chorshanba | № 99 (7604)

Da'vat

Xalq qonunni o'z tayanchi, o'zini muhofaza qiluvchi devor sifatida himoya etmog'i lozim.

GERAKLID

Ibrat

Olmaliq shahridagi 1-bolalar va o'smirlar sport maktabida ta'mirlash ishlari boshlandi. Ushbu maqsad uchun shahar XTB tomonidan besh million so'm mablag' ajratildi.

ЭЛНИ СЕВГАН ЮРТ МЕҲРИГА МУЯССАР

Reportaj

Аслида эл фаровонлиги, юрт осойишталиги, унинг равнақи йўлида меҳнат қилиш, ана шу ўй билан яшаш ҳар бир инсоннинг бурчи. Негаки, шу эл унинг тарбиячиси — онаси, шу юрт — Ватани. Демак, она ватанга камарбаста бўлиш, эл оғирига елка тутиш фарзандлик қарзи ҳисобланади ҳар кимнинг. Ўзингизга маълум, ана шу масъулиятли вазифани адо этишни умрининг мазмунига айлантирган кўплаб юртдошларимиз ҳар йили давлатимиз раҳбари томонидан Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиб келади.

8 декабрь — мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 11 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналар олдидан бу йил ҳам анъанага мувофиқ ушбу юксак мукофотлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.

* * *

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида ортирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун давлат мукофотларига муносиб кўрилган бир гуруҳ журналистларга мукофотлар топширилди.

Тақдирлаш маросимини ОАВни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад очар экан, мукофотланганлар қаторида барча журналистларни мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан табриклади. Шундан сўнг тақдирланганларга мукофотларни топшириш учун сўз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султоновга берилди.

— Ўз ижоди билан халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини кўтаришда журналистларимизнинг ўрни алоҳида, — деди ўз нутқида нотиқ. — Шу боис уларнинг меҳнатларини қанча улуғласак оз. Ўйлайманки, ҳукуматимиз, халқимиз томонидан уларга билдирилган ишончни ҳамкасбларимиз ўз ижодлари орқали оқлайдилар.

* * *

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида фан, таълим, соғлиқни сақлаш сингари ижтимоий соҳа вакилларига ҳукуматимизнинг юксак мукофотларини мамлакатимиз Фанлар академиясида тантанали равишда топшириш ажойиб бир анъанага айланиб бормоқда.

Академиянинг байрамона безатилган кичик мажлислар залида мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор" унвонлари ҳамда "Меҳнат шуҳрати", "Эл-юрт ҳурмати", "Дўстлик" орденларига сазовор бўлган фан, таълим ва тиббиёт ходимлари йиғилдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Абдувоҳитов мукофотларни топшира туриб, уларнинг соҳибларини Юртбошимиз номидан қизғин муборакбод этди.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАНИШИНГ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СТИНЕПДИЯСИНИНГ 2003-2004 ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ СОВРИНДОРЛАРИ — 2-бет

МАҲОРАТ МАКТАБИНИНГ СОҲИБЛАРИ — 3-бет

УСТОЗ ҚЎШЖОНОВ САБОҚЛАРИ — 5-бет

МАСАЛЧИ ДОНИШМАНД — 8-бет

«ЁҚУТ» СКАНВОРДИ — 8-бет

Maktabgacha ta'lim

«ҚАЛДИРҒОЧ» ПАРВОЗИ БАЛАНД БЎЛАДИ

Бозор иқтисодиёти ҳар биримиздан тежамкорликни, замонга мослашишни, энг муҳими, тадбиркорликни талаб қилмоқда. Оддий ўқитувчи, Сирдарё шаҳридаги 41-мактабнинг бошланғич синф муаллимаси Малика Муллажонова Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб хусусий боғча-мактаб ташкил этишга муваффақ бўлди.

Сирдарё туманидаги Жуман Маманов номли фермер хўжаликлари уюшмасидаги «Пахтаой» болалар боғчаси доврўғи бир пайтлар нафақат туманда, балки вилоятда ҳам маълум ва машҳур эди. Йиллар ўтиб, хўжаликда раислар алмаштирилавериб жамоа қолоқлик ботқоғига ботиб бораверди. Боғча фаолияти тўхтаб қолди, бино қаровсиз ҳолга тушиб, ташландиқ жойга айланди. Шундан бери хўжаликда болалар боғчаси эшикларига «отнинг калласидек» катта қулфлар осилган, ота-оналар эса ўз фарзандларини Сирдарё шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларига беришга мажбур эдилар. Шу хўжаликда яшовчи Малика опа бу муаммолар ечимини ўйлар, ота-оналарга қулайлик яратиш чораларини изларди. Ниҳоят хўжалик балансидаги боғча биносини тадбиркор Малика опа хусусий қилиб сотиб олди. Олий маълумотли мутахассис, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Малика Муллажонова учун янги, хусусий ўқув-тарбия маскани ташкил этиш осон кечмади. Опа қарийб бир йил давомида янги жойни керакли, зарур жиҳозлар, ўқув қуроллари, кўргазмали материаллар билан таъминлаш учун елиб-югурди, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан учрашди, ота-оналар билан суҳбатлашди, ҳаракат қилди, интилди, изланди. Ва пировардида ўз мақсадига етди.

Улуғбек маҳалласи фуқаролари, ота-оналар, 7-ўрта мактаб маъмурияти хусусий боғча-мактабни ташкил этишда Малика опага яқиндан кўмаклашишди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими ходимлари хусусий боғча-мактаб жамоасидан методик ёрдамларини аяшмади. Маҳаллий фермерлар, тадбиркорлар ҳам қараб туришмади. Натижада туманда вилоятда биринчи бўлиб хусусий боғча-мактаб ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда боғчада 45 нафар жажжи кичкинтой тарбияланмоқда, биринчи синф ўқувчилари таълим-тарбия олмоқда. Янги ўқув-тарбия масканида кичкинтойлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Қани энди, Малика опага ўхшаган тадбиркорлар, саховатли инсонлар кўпайса. Ахир туманда 12 та болалар боғчаси бозор иқтисодиёти талабига жавоб беролмасдан ўз фаолиятини тўхтатиб турибди.

— Келгуси режаларимиз катта, — дейди биз билан суҳбатда М.Муллажонова. — Синфлар ва гуруҳлар сонини ошириб борамиз. Ногирон болларни ҳам ўқув масканимизга жалб этмоқчимиз, улар учун махсус синфлар очмоқчимиз. Масканимизни компьютерлар билан таъминлаш асосий мақсадимиздир. Кичкинтойларга инглиз тилини мукаммал ўргатишни ҳам йўлга қўямиз. Хуллас, иқтидорли, қобилиятли болалар сафини кенгайтириш долзарб вазифамизга айланади.

Яқинда хусусий боғча-мактаб мажмуасини очишга бағишланган тантанали тадбирда Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги, «Пахтазор» қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари ва бошқалар қатнашди. Мақоламиз бошида мазкур хусусий боғча-мактаб вилоятда биринчи «қалдирғоч» хусусий ўқув-тарбия маскани эканлигини таъкидлаган эдик. Одатда қалдирғочлар чиройли учади, юксак-юксакка парвоз қилади. Истагимиз, хусусий боғча-мактаб парвози ҳам юксак бўлсин.

Абдураззоқ БУРЛИЕВ

МУАЛЛИМ — КОНСТИТУЦИЯ ТАРҒИБОТЧИСИ

ОДДИЙ ВОҚЕА

Ҳар нарса истаганингдек кечавермайди. Шифокор кўригидан ўтишга тўғри келди. Оилавий шифохонага бориб бир қанча кабинетларда кўрикдан ўтдиму рентген хонасига қабул қилишмади. Туман марказий оилавий шифохонасига тегишли тармоқ шифохонасидан берилган йўлланмани кўрсатсам-да, қабул қилишмади. Паспортимни кўрсатишни талаб қилишди. Уйга бориб келай десам, ишга кечикаман. Тўғри бош шифокорга учрашдим. Салом бергач, биринчи гапим шу бўлди: — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида: "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", — дейилган.

Бош шифокор мени тўғри тушунди ва ишларим тезда ҳал бўлди.

Кўринишидан бу оддий воқеага ўхшаб туюлса-да, кўпинча шундай оддий воқеалар анча вақтимизни олиши, сарсонгарчиликларга, асабузарликларга сабаб бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш йўли жуда осон: ўз ҳақ-ҳуқуқларингизни, тегишли қонун-қоидаларни, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билсангиз кифоя.

ЯШАШ УЧУН КУРАШ

Инсон ҳаёти шундай қурилганки, уни маълум қонун-қоидалар воситасида тартибга солиб туришга тўғри келади. Сенинг ҳақ-ҳуқуқларинг ҳурмат қилинади, бироқ у ўзгаларнинг ҳуқуқларига дахл қилмаслиги керакда.

Демократиянинг асосини худди шу нуқтаи назарда тушуниш лозим.

"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади". (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 13-модда).

Демак, "яшаш учун кураш" деган ёзилмаган азалий қоида маълум бир мезонларда амалга оширилиши лозим. Ҳуқуқий демократик жамиятда демократия ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, уларнинг асосий кафолоти бўлган Конституцияни билишдан бошланади.

(Давоми 3-бетда)

Суратда: Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Марям Матурозова ўқувчиларга «Конституция алифбоси»дан сабоқ бермоқда.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК

Yangilik

Мустақиллик шарофати билан жамиятимизда катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Таълим соҳасида кўпгина ўзгаришлар рўй бераётир. Хусусан, умумтаълим мактабларида босқичма-босқич лотин алифбосига асосланган янги авлод дарсликлари яратиляпти. Шу маънода 9-синф «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги ҳам Давлат таълим стандарти асосида ёзилганини қайд этиш жоиз. Чунончи, дарслик ёрдамида ўқувчилар компьютер графикаси, ахборотлар омбори, электрон жадваллар, компьютерда масалалар ечиш технологиялари, дастурлаш асослари (Бейсик алгоритмик тили), амалий дастурлаш ҳамда замонавий ахборот технологияларининг ривожланиш истиқболлари билан танишади. Дарслик ахборотларни қайта ишлаш технологиялари, улардан фойдаланиш жараёни ҳақида билим асослари ва компьютердан ўқувчиларнинг кейинги фаолиятида фойдаланиш кўникмаларини беришни таъминлайди. Ўқувчилар информатика курсининг таянч қисми — компьютер, ахборот технологиялари, компьютерда масалалар ечиш технологиялари, замонавий ахборот технологиялари воситалари - Internet ва электрон почта (E-mail)да ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишади.

Энг қувончлиси, бундай дарсликларнинг электрон версияси яратилмоқда. Бинобарин, «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратиш концепцияси»да таълим босқичлари учун электрон ўқув адабиётлар яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш қайд этилган. Улар уч босқичда амалга оширилади:

таҳкилий тайёргарлик босқичи (2002-2003 йиллар);

— тажриба-синов босқичи (2004-2005 йиллар);

— Ўқув жараёнларида кенг фойдаланиш босқичи (2006 йилдан бошлаб).

Ушбу ишнинг амалий жиҳатларидан яна бири бўлган ва айни вақтда синовдан ўтаётган «Информатика» курси бўйича Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтида дастурловчи Н.Рустамов билан ҳамкорликда яратилган электрон дарслигимиз ҳақида қисман маълумот бериб ўтамиз.

Ушбу дастурий маҳсулот маълумотларнинг овоз ва турли анимациялар билан уйғунлиги, асосий атамалар ва негизларга гипермурожаат мавжудлиги ва бошқа кўрсаткичлари билан аҳамиятлидир. Унда боблар бўйича саволлар мажмуи ва тест синов асосида ўқувчи билимини назорат қилиш имкони мавжуд. Дастурий маҳсулот Delphi дастурлаш тилида ёзилган. Уни яратишда Flash, Corel Draw, Photoshop ва Sound Forge каби дастурий воситалардан фойдаланилган. Мавзулар бўйича етарлича назарий маълумотлар келтирилган. Дастурий маҳсулот Windows 9x/2000/NT операцион тизимларида ишлайди.

Дастурий маҳсулот Office дастурлари сингари дастлаб CD дискдан махсус дастурий восита ёрдамида компьютерга ўрнатилади. Масалан, электрон дарслик дастури ёзилган компакт диск танланади, файллар рўйхатидан *Informatika\ setup.exe* устида сичқонча тугмаси босилади.

Натижада дастур Windows бош менюси (Пуск)да ҳосил бўлади.

Дастурни ўқишга тушириш учун қуйидаги тартибда иш тутилади:

Пуска → Программы → aInformatika → aInformatika 9.

Натижада компьютер экранида дастурнинг зарвараги пайдо бўлади (1-расм).

Дастурда иш юритишда меню буйруқлари асосий ўрин тутади. Меню буйруқлари тавсифи қуйидагича:

DARS – дарс мавзуларини танлаш ва дарс мазмуни билан ишлаш;

TEST – дарс бўйича синов топшириш;

SOZLASH – дарс мавзулари бўйича овоз ва турли анимацияларни ўрнатиш;

YORDAM - дастурдан фойдаланиш бўйича маълумот олиш;

CHIQISH – дастур ишини тугаллаш.

Фойдаланувчи электрон дарсликда керакли менюни танлаб ишлаши мумкин. Масалан, DARS менюси ёрдамида керакли мавзуни танлаш жараёни 2-расмда келтирилган.

Электрон дарслик умумтаълим мактабларининг 9–синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлса-да, ундан фанни индивидуал ўрганувчилар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳам мазкур фанни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.



1-расм



2-расм

Норбек ТОЙЛОКОВ,
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти профессори

Taqdirlanganlar berilgan mukofotlar xalq ishonchi, yurt e'tirofining ramzi ekanligini ta'kidlashdi.

Yakunlanayotgan yilning eng so'nggi oyi tanloviga Sizni ham taklif etamiz va omad tilaymiz.Yangi yilni "Ma`rifat"ning maxsus sovg'asi bilan kutib oling!

ЭЛНИ СЕВГАН ЮРТ МЕҲРИГА МУЯССАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқ таълими вазирлигида ҳам кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш йўлида фидойилик кўрсатганлиги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун давлат мукофотларига муяссар топилган бир гуруҳ соҳа ходимларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тантанани республика Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев очар экан, фарзандлар камоли йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчиларни яна бир бор давлат, халқ ишончига мушаррафлиги, унинг юксак эътирофига сазовор бўлганлиги билан самимий муборакбод этди.

— Шу ўринда, — дейди мукофотларни ўз эгаларига топширар экан, республика Халқ таълими вазири Р.Жўраев ўз сўзида, — Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман. "Мен бугун — бепоён далаларда ёки корхоналарда бўладими, мактаб ёки олий ўқув юрти, тиббиёт ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими — барча жабҳаларда фидокорона меҳнат қилиб, том маънода ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб келаётган жамики юртдошларимизни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман. Худди уларга ҳам юксак мукофотларни ўз қўлим билан топширгандек, кўксингизга ярашиб турган унвон ва нишонлар барчангизга буюрсин, сизларга омад ва бахт келтирсин, деб ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этаман."

Тақдирлаш маросими сўнгида мукофотланганлар номидан Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-мактабнинг немис тили ўқитувчиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси Найля Тукшайтова, Республика таълим маркази табиий билимлар бўлими методисти, "Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвони соҳиби Саидолим Орифхўжаев ҳамда А.Хлебушкина номидаги 22-меҳрибонлик уйи тарбиячиси, "Шухрат" медали нишондори Ҳафиза Рафиқова сўзга чиқиб, берилган мукофотлар халқ ишончи, юрт эътирофининг рамзи эканлигини таъкидлашди ва бу ишончни оқлаш, Ватан равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги изланишларини янада юқори суръатда давом эттиражакларига сўз бердилар.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири,
Нуриддин ОЧИЛОВ

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президент арчасини ва ўқувчиларнинг қишки таътилини ташкил қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилинди. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси «Президент арчаси» тадбирини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуаси мажлисининг 2003 йил 12 ноябрдаги 07-2-207 — сонли баённомасида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда умумий ўрта таълим ўқувчиларининг қишки таътил кунларини самарали ташкил этиш мақсадида чиқарилди.

Буйруқда «Президент арчаси» тадбирларини ўтказиш бўйича вазирлик штаб таркиби ва байрам совғаларини меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига топшириш маросимларида иштирок этиш учун ҳудудларга хизмат сафарига юборилаётган масъул ходимлар рўйхати кўрсатилган. Шунингдек, унда вазирлик Маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси ҳамда Республика Таълим марказига таълим-тарбия муассасаларида «Президент арчаси» тадбири ҳамда ўқувчиларнинг қишки таътилини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича вазирликнинг тавсияларини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқиб жойларга етказиш вазифаси топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига эса жойларда «Президент арчаси» тадбирини ўтказиш Ишчи гуруҳи билан мувофиқлаштирган ҳолда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорлигида 2003 йил 29 декабрь куни меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, маҳаллаларда яшовчи ота-онасини йўқотган болалар, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан совғалар бериш ва байрам тадбирларини юқори савияда ўтишини таъминлаш; «Маҳалла» жамғармаси билан биргаликда жойлардаги ҳомий ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларнинг меҳрибонлик уйларига, махсус интернатларга ва кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш; бириктирилган ҳомий ташкилотлар ёрдамида қишки таътил даврида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчиларнинг республикадаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, музейлар истиқлол йилларида қад кўтарган иншоотларга саёҳатларини уюштириш; умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича фан ва ижодий тўгараклар, спорт секциялари машғулотларининг мунтазам ишлашини ташкил қилиш; барча таълим-тарбия муассасаларида байрам кунлари кеча-кундуз навбатчиликнинг олиб борилишини, ёнғин, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини таъминлаш; меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаларини топшириш, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларда арча байрамини ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ва ўқувчиларнинг қишки таътили якуни бўйича маълумотни вазирликка топшириш вазифаси юклатилди.

Халқ таълими вазирлиги
Матбуот маркази

"Ma`rifat" ЭЪТИРОФ ЭТАДИ

Газетанинг 5 та номинация бўйича узлуксиз ўтказиб келаётган энг яхши журналистик материаллар ойлик танловининг 2003 йил ноябрь ойи якунларини эътиборингизга ҳавола этишдан олдин танлов ҳайъати томонидан билдирилган бир ўзига хос жиҳатни таъкидлаб ўтсак. Танловда қатнашган материаллар пухта ва долзарблиги билан ажралиб турди. Деярли барча номинациялар бўйича 2 ёки 3 та ижодий иш тенг овозга эга бўлди.Ғолибларни аниқлашда «даъвогар»ларга нисбатан муштарийларнинг билдирган муносабатлари ҳам инобатга олинди.

Улар билан танишинг!

"Энг яхши саҳифа"- "Бозордаги болалар" —муаллиф **Шерзод АҲМАТОВ** (2003 йил 15 ноябрь).

"Энг яхши мақола"- "Олам хаёл билан қоимдир"— муаллифлар **Г.ҚОБУЛНИЁЗОВА, Н.ЗАЙНОБИДДИНОВА** (2003 йил 5 ноябрь).

"Энг яхши интервью"- "Сув ва ҳаёт" — муаллиф **Икром БЎРИБОЕВ** (2003 йил 12,22, 29 ноябрь сонлари).

"Энг яхши янгилик"- "Машҳур селекционернинг ҳиммати" муаллиф — **Жаҳонгир ИСМОИЛОВ** (2003 йил 8 ноябрь).

"Энг яхши фотосурат"- "Англаш" — муаллиф **Виктор ЦОЙ** (2003 йил 22 ноябрь сони 14-бет).

Якунланаётган йилнинг энг сўнгги ойи танловига Сизни ҳам таклиф этамиз ва омад тилаймиз.Янги йилни "Ma`rifat"-нинг махсус совғаси билан кутиб олинг!

КОНСТИТУЦИЯ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

Республика "Маънавият ва маърифат" Марказида "Конституция ва миллий маънавият" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирни Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов очар экан, бугунги кунда конституциямизнинг ўрни, вазифаси ва чет эл конституциялари билан солиштириб, бизнинг конституциямиз умуминсонийлиги, халқ манфаатини ўзида тўла намоён эта олганлиги билан ажралиб туришини айтиб ўтди. Кейин сўзга чиққан филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов Конституциямиз ва миллий маънавиятимиз ҳақида сўз юритди. Тадбир ҳақиқатан ҳам байрам тусини олди. Негаки, бу ерга "Гулистон" журнали бош муҳаррири, шоир Азим Суюн, халқимизнинг севимли актёри Ҳусан Шарипов ва Гулмат Собиров бошлиқ санъаткорлар ташриф буюриб йиғилганларга ўзларининг ватан ишқи ҳақидаги шеърлари, ҳажвий ҳикоялари ва оҳангробо қўшиқлари билан байрам кайфиятини улашишди.

Дилмурод СОДИҚОВ,
"Маърифат" мухбири

ТАНИШИНГ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СТИПЕНДИЯСИНИНГ 2003-2004 ЎҚУВ ЙИЛИДАГИ СОВРИНДОРЛАРИ

Фанлар академиясининг Тарих институтида илмий изланишлар самараси ва галдаги вазифаларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимиздаги илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари олимлари, ёш тадқиқотчилар, Қозоғистон, Россия, Япония, Франция, Германия каби давлатлардан келган мутахассислар иштирок этди.

Таъкидланганидек, қадимий цивилизация илдизларига эга бой ва бебаҳо маданият яратилган юртимиз тарихини теран тадқиқ этиш борасида олимларимиз кенг кўламда изланиш

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

олиб бораётир. Бунинг натижасида илгари маълум бўлмаган кўплаб қўлёзмалар илмий муомалага киритилди, археология соҳасида ҳам талай муҳим кашфиётлар қилинди.

Мустақиллик йилларида ўтмишимизни асл ҳолича, холис ўрганиш ва халқимизга етказиш билан боғлиқ кўплаб вазифалар ўртага қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда институт тарихга оид тадқиқотларнинг ўзига хос марказига айланди. Кўплаб монография, рисола, илмий тўплам, дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиляпти. Фаннинг долзарб муаммоларига бағишлаб республикамиз ва халқаро миқёсда анжуман, семинар ва учрашувлар ўтказилаётир.

Анжуманда тарих ва археология соҳасидаги изланишлар самараси, мамлакатимиз этнологияси бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар, жаҳон тарихи ва манбашунослик муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичида таҳсил олаётган билимдон, истеъдодли, илғор фикрли, зукко, тенгқурларининг олдинги сафида юрувчи ёшлардан бир гуруҳи ҳар ўқув йилининг бошида Президент стипендиатлигига ҳамда бир қанча нуфузли давлат стипендияларига тавсия қилинадилар. Улар бир неча босқичда ўтказиладиган танлов натижаларидан сўнггина маълум бўлади. Одатдагидек 2003-2004 ўқув йилидаги Президент стипендиатлари ҳам аниқланди. Қуйида турли таълим йўналишлари бўйича юксак номга мушарраф бўлган талабалар билан танишасиз.

Техника ва информатика йўналиши бўйича

Никадамбоев Одил Алимджанович
Тошкент давлат техника университетининг «Компьютер технологиялари» факультети 4-курс талабаси.

1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2000 йилда ихтисослашган 50-мактабни битириб, техника университетининг «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши бўйича ўқишга кирган. 2000 йилда фан ва техника давлат қўмитаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг яхши дастурий лойиҳаси» танловида асосий совринни қўлга киритган. 2001 йили биринчи миллий интернет фестивалида «Йилнинг энг зўр ёш дастурчиси» номинацияси ғолиби бўлган. Бу йил эса Одил ёш дастурчилар гуруҳи билан биргаликда интернетдан ахборот тўплашга мўлжалланган E-Collector тизимини ишлаб чиққан. Талабалар олимпиадаси ғолиби. У ишлаб чиққан дастурлар нафақат Ўзбекистонда, балки АҚШ, Россия, Японияда ҳам амалиётга татбиқ этилган.

Тиббиёт, фармация ва жисмоний тарбия йўналиши бўйича

Ляпина Камила
Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия факультети 7-курс талабаси.

1980 йилда Навоий шаҳрида туғилган. Самарқанд шаҳридаги 45-ўрта ва 1-мусиқа мактабларида таълим олган. 1997 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия таълим йўналишига ўқишга кирган. Институт жамоат ишларида фаол қатнашиш билан бирга педиатрия, болалар жарроҳлиги, нейрохирургия ва эндокринология соҳасида изланиб келади. Республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда иштирок этган ва 20 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

ЮНЕСКО томонидан ўтказилган «Репродуктив саломатлик ва ОИТС (СПИД)» ҳамда «ИНТРАК» (Англия) томонидан ўтказилган «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ҳамда нодавлат ва нотижорат ташкилотларнинг роли» мавзусидаги тадқиқотлар иштирокчиси.

2002-2003 ўқув йилида Абу Али ибн Сино номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган. Ўзбек, инглиз, форс тилларини яхши билади. «Тиббиёт ходимлари учун инглиз тили» курсларида дарс беради. Компьютерда ишлаш маҳоратига эга.

Физика, математика ва кимё-биология йўналиши бўйича

Алиева Жамила Раимжоновна
Андижон давлат университети математика факультетида ўқийди.

1983 йилда Андижон вилоятида туғилган. 2000 йилда Андижон давлат университети математика таълим йўналишига қабул қилинган. У университетда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга илмий изланишлар ҳам олиб боради. Илмий муваффақиятлари туфайли Деҳлидаги халқаро ТАТУ ўқув илмий марказида ўқиган. У «Физик жараёнларни компьютерда дастурлаш» мавзусида илмий тадқиқот олиб бораяпти. Шу мавзудаги 10 га яқин мақолалар муаллифи.

2002-2003 ўқув йилида Улуғбек номидаги давлат стипендиясига сазовор бўлган, инглиз ва рус тилларини пухта билади.

Журналистика йўналиши бўйича

Тошпўлатова Нозима Мирзапўлатовна
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.

1981 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1998 йили М.Турсунхўжаева номидаги Тошкент тиббиёт билим юртини тамомлаган. 2000 йили ЎзДЖТУ «Халқаро журналистика» таълим йўналишига ўқишга кирган. Университетда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга Нозима оммавий ахборот воситаларида ўзининг таҳлилий мақолаларини ҳам эълон қилиб туради. У 2001 йилдан буён Ўзбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририятида муҳаррир. Хорижий тилларни ўрганишга қизиқади. Хусусан, испан, инглиз ва рус тилларида эркин суҳбатлаша олади.

Ҳозирда «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва жаҳон тажрибаси» мавзуси бўйича изланяпти.

Ижтимоий йўналишлар бўйича



Султонов Тўлқин Эргашевич
Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультети талабаси.

1982 йилда Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Маданият қишлоғида туғилган. 1996-2000 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги лицейда таълим олган. 2000 йилда СамДУ ўзбек филологияси факультетига энг юқори балл билан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган. У «Ёш услубшунослар» тўгараги илмий анжуманлари, шунингдек, бошқа нуфузли йиғинлар иштирокчиси. Кўплаб илмий мақолалар муаллифи.

Тўлқин Султонов инглиз, рус, турк ва форс тилларида эркин суҳбатлашади. У «Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида боғловчилар» мавзусидаги илмий тадқиқотини давом эттиряпти.

Педагогика йўналиши бўйича

Исатов Андрей Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси.

1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2000 йили Тошкент шаҳридаги 50-ўрта мактабни битириб, ТДПУнинг «Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний маданият» таълим йўналишига ўқишга қабул қилинган. Аъло ўқиш билан бир қаторда жамоат ишларида фаол. Ёшларни ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда. Бир қанча нуфузли анжуманларнинг доимий иштирокчиси, илмий мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, у Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги «Жисмоний тарбия ва спорт бўйича инструктор-услубчилар тайёрлаш курси»ни тугатган.

Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар йўналиши бўйича



Анорбоев Аброр Баҳодирович
Тошкент давлат юридик институти 3-курс талабаси.

2000 йилда Тошкент шаҳридаги 49-мактабни тамомлаб, юридик институти ҳуқуқшунослик таълим йўналишига ўқишга кирган. Жамоат ишларида фаол. Жумладан, унинг «Демократия ва референдум», «Ўзбек парламенти: тараққиёт босқичлари, келажакка назар», «Япония парламенти» каби илмий китоб ва рисолалари, кўплаб мақолалари ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган. Аброр Анорбоев 2002 йилдан «Экосан» ёшлар уюшмаси раиси, ёшлар экопарламенти спикери. У АҚШ давлат департаменти ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг махсус сертификатлари билан тақдирланган.

Маданият ва санъат йўналиши бўйича

Гульзарова Ирена
Ўзбекистон давлат консерваторияси 4-курс талабаси.

1983 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У 2000 йилда Успенский номидаги мусиқа мактабини фортепияно ихтисослиги бўйича тамомлагандан сўнг консерваторияга ўқишга кирган. Ирена Испания, Италия, Қозоғистонда ўтказилган халқаро танловлар совриндори. Халқаро Спиваков хайрия фонди стипендиати. Ирена нафақат республикамизда, балки Буюк Британия, Украина, Россия, Испания каби давлатларда ўтказилган фестивалларда қатнашган.

Ирена жаҳонга таниқли бастакорлар концертида қатнашган. Оксфорд ва Цюрих шаҳарларида В. Спиваков томонидан ташкил этилган концертларда ижрочилик маҳоратини намойиш этган.

Чет тиллари йўналиши бўйича

Кинжемуратова Айсулу Маратовна
Нукус давлат педагогика институти рус-инглиз тиллари факультети 4-курс талабаси.

1983 йилда Нукус шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 2000 йилда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти «Инглиз филологияси» таълим йўналишига энг юқори балл билан ўқишга кирган. 2002 йил сентябрь ойида Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз тили бўйича илмий ишлар олиб боради. Унинг «О.Генри асарларида перфект феълларининг қўлланилиши» номли мақоласи эълон қилинган. Шунингдек, «Бадиий асарларни инглиз тилига таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Инглиз, немис, рус тилларини пухта эгаллаган. Компьютер технологияларига ҳам қизиқади.

Иқтисодиёт йўналиши бўйича

Махсумов Элёр Михайминович
Тошкент молия институти кредит-иқтисод факультети 4-курс талабаси.

1982 йилда Тошкент вилоятида туғилган. 1989-98 йилларда Тошкент шаҳридаги 279- ихтисослашган мактабда, кейинчалик молия институти қошидаги республика молия лицейида ўқиган. Математика фанидан лицейлараро республика олимпиадасида биринчи ўринни эгаллаган.

Элёр Махсумов халқаро молиявий йўналишдаги мавзуларда илмий изланиб, сертификат билан тақдирланган. Ҳозир у «Пул массаси ўсишини чеклаш орқали пул муомаласи барқарорлигига эришиш» мавзусидаги илмий тадқиқотини давом эттиряпти.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича



Рўзиев Жаҳонмурод
Гулистон давлат университети 4-курс талабаси.

1983 йилда Навоий вилоятида туғилган. Гулистон туманидаги 1-ўрта мактабни имтиёзли шаҳодатнома билан битириб, Гулистон давлат университети агромуҳандислик йўналишига ўқишга кирган. Аъло баҳоларга ўқиш билан бирга университет ва республика миқёсида ўтказилаётган илмий анжуманларда фаол қатнашади. 2002-2003 ўқув йилида Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган. «Культиватор юмшатгич тумшуқларининг емирилиш динамикасини ўрганиш» мавзусида илмий изланиш олиб боряпти. Инглиз ва форс тилларида эркин мулоқот юрита олади.

Совриндорларни чин дилдан қутлаймиз!

Mahallalarda, qishloqlarda o'tkaziladigan turli tadbirlarda, marosimlarda ko'pni ko'rgan muallimlar harakatlantiruvchi kuch, el-ulus suyanadigan shaxsga aylanganlar.

Agar tuz yodlangan bo'lsa, uning rangi o'zgaradi. Bola o'zi o'tkazgan tajriba natijasini darhol ko'radi va taassurotlarini ota-onasi bilan o'rtoqlashadi.

МАҲОРАТ МАКТАБИНИНГ СОҲИБЛАРИ

«Yil o'qituvchisi — 2003»

Ҳар қандай танловнинг моҳияти — маҳоратларни аниқлаш, билимни янада чархлаш. Янаям муҳими — унда кимдир кимдандир билмаганини ўрганади. 1991 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Йил ўқитувчиси" танловининг мақсади ҳам шу.

Бугунги кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда республика босқичигача ўтказилган "Йил ўқитувчиси—2003" танлови баҳсларининг ғолиблари аниқланиб бўлинди. Шу муносабат билан республика Халқ таълими вазирлигида мазкур беллашувнинг якунловчи босқичини ўтказишга бағишланган "Йил ўқитувчиси—2003" кўрик-танлови ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этиш ва умумтаълим мактаблари педагогик ходимлари орасидан илғор, ташаббускор, ижодкор муаллимларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мамлакатимиздаги барча ўқитувчилар учун албатта фойдали бўлиши яна бир бор таъкидланди.

Қуйида бугун бошланадиган "Йил ўқитувчиси—2003" кўрик-танловининг якунловчи республика босқичи иштирокчилари билан танишасиз:

1. Фароғат Маматова, 1977 йил 2 апрелда Қарши тумани Бешкент шаҳрида туғилган. 1994 йилда тумандаги ихтисослашган махсус лицей-интернатнинг физика-математика синфини битирган. 1994—98 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини тугатган. Айни пайтда Қарши туманидаги Ойбек номидаги 12-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси.

2. Раъно Эронова, 1963 йил 5 майда Наманган вилояти Учқўрғон туманида туғилган. 1985 йилда Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)ни тарих мутахассислиги бўйича тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1983 йилда Учқўрғон туманидаги 8-мактабда бошлаган. 1997 йилдан буён Наманган шаҳридаги ал-Хоразмий номидаги 7-мактабда ўқувчиларга "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан дарс бериб келмоқда.

3. Зулфия Шарафутдинова, 1975 йил 8 мартда Каттақўрғон шаҳрида таваллуд топган. Шаҳардаги 10-мактабни битириб, 1991—95 йилларда Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида ўқиган. Айни пайтда Каттақўрғон шаҳридаги Нодирабегим номидаги 6-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

4. Дилфуза Ҳакимова, 1968 йил 10 январда Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Худоёрхон қишлоғида туғилган. Мактабни тугатгач, 1986—91 йилларда Фарғона давлат университетида она тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича ўқиган. Меҳнат фаолиятини тумандаги 14-мактабда бошлаган. 1993—98 йилларда 1-мактабда ёшларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берган. 1998 йилдан буён Ўзбекистон туманидаги 24-мактабда ишлайди.

5. Ойша Сапарбоева, 1974 йил 11 майда Тўрткўл тумани Шўрахон жамоа хўжалигида туғилган. 1981—91 йилларда А.С.Пушкин номидаги мактабда ўқиган. Мактабни олтин медаль билан битиргач, 1991—96 йилларда Нукус давлат университетининг математика факультетида таҳсил олган. Иш фаолиятини тумандаги 1(ҳозирги 3)-мактабда бошлаган. Ҳозирда 45-мактабда математика фани ўқитувчиси.

6. Гулнора Зайниддинова, 1959 йил 17 январда туғилган. 1981 йилда ТошДУ(ҳозирги ЎзМУ)нинг роман-герман факультетини битирган. Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 32-мактабда инглиз тили ўқитувчилигидан бошлаган. Юнусобод туманидаги 70-мактабда ҳам фаолият юритган. 1993 йилдан буён Юнусобод туманидаги 17-мактабда ишлайди.

7. Фарида Хўжаева, 1982 йил 27 сентябрда Хоразм вилояти Хива туманида туғилган. 1997 йилда республика иқтидорли болалар VII слётининг ғолиби бўлган. 1998 йилда тумандаги 31-мактабда ёшлар етакчиси лавозимида меҳнат фаолиятини бошлаган Ф.Хўжаева ҳозирда ЎзМУ филология факультетининг 5-курсида ўқиш билан бирга Хива туманидаги 31-мактабда ўғил-қизларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келмоқда.

8. Гулчеҳра Абдуллаева, 1970 йил 27 февралда Жиззах шаҳридаги Оққўрғон маҳалласида туғилган. Отаси Янгибой Эшматов 40 йил мобайнида педагогик фаолият билан шуғулланган. Г.Абдуллаева 1977—87 йилларда шаҳардаги 8-мактабда ўқиган. Сўнгра Жиззах педагогика билим юртининг бошланғич таълим факультетига ўқишга кирган. Иш фаолиятини 1990 йилда Жиззах туманидаги 13-мактабда бошлаган. Айни пайтда Жиззах шаҳридаги 25-мактабда бошланғич синфларга дарс бериб келаяпти.

9. Дилбар Сафарова, 1968 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида туғилган. 1975—85 йилларда тумандаги 24-мактабда таҳсил олиб, сўнгра Термиз давлат педагогика институти(ҳозирги ТерДУ)нинг ўзбек филологияси факультетида ўқиган. Меҳнат фаолиятини 1985 йилда 24-мактабда етакчиликдан бошлаган. 1993 йилдан буён Денов туманидаги 80-мактабда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. У компьютер оператори мутахассислигига ҳам эга.

10. Каромат Қамбарова, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Ниёзбоши қишлоғида зиёли оиласида туғилган. Отаси Боқижон Қўчқоров қишлоқдаги 14-мактабда 40 йилдан ортиқ математика фанидан дарс берган. К.Қамбарова 1974 йилда 14-мактабнинг 1-синфига борган. 1984 йилда мактабни олтин медаль билан тугатгач, 1989 йилда Низомий номидаги ТДПУ математика факультетини битирган. Ҳозирда 14-мактабда ўқувчиларга математика ва информатика фанидан дарс беради.

11. Дилафрўз Абдуллаева, 1975 йил 17 августда Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги Янгибозор қўрғонида зиёли оиласида таваллуд топган. 1992 йилда тумандаги 31-мактабни олтин медаль билан тугатиб, 1996 йилда Бухоро давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига сиртдан ўқишга кирган. 1997 йилда тумандаги 1-мактабда етакчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. 1998 йилдан эса мактабнинг 5—10-синфларига она тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келмоқда. У ўқувчиларга "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанларидан ҳам дарс беради.

12. Гулчеҳра Калонова, 1979 йил 2 майда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган. 1985—94 йилларда тумандаги 30-мактабда ўқиган. 9-синфдалигида география фанидан республика фан олимпиадасида қатнашиб, 1-ўринни эгаллаган. 1994—98 йилларда Гулистон давлат университетининг табиатшунослик факультетини имтиёзли диплом билан битирган. Шундан сўнг тумандаги 29-мактабда меҳнат фаолиятини бошлаган. У дарс бериш билан бирга "Камолот" ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг етакчиси бўлиб ҳам ишлайди.

13. Рашида Умарова, 1976 йил 7 ноябрда Андижон вилояти Марҳамат туманида зиёлилар оиласида таваллуд топган. 1982—92 йилларда ўрта мактабда таҳсил олган. Мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Андижон давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирган. 1997 йилдан буён тумандаги 5-мактабда ўқувчиларга тарих ва ҳуқуқ фанидан дарс бериб келади.

14. Гулноз Сатторова, 1969 йил 6 февралда Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳрида туғилган. 1986 йилда Ғиждувон туманидаги Алишер Навоий номидаги 32-мактабни тугатиб, Навоий шаҳридаги педагогика институти филология факультети ўзбек тили ва адабиёти бўлимига сиртдан ўқишга кирган. Меҳнат фаолиятини 1990 йилда Ғиждувон туманидаги Алишер Навоий номидаги 32-мактабда бошлаган. 1991—93 йилгача Навоий шаҳридаги 9-мактабда фаолият юритган. 1998 йилдан буён Навоий шаҳридаги Файзулла Хўжаев номидаги 17-мактабда ишлаб келмоқда.

КАТТА ТАДБИР ЎҚУВЧИЛАР ИШТИРОКИДА ЎТАДИ

Охирги пайтларда тузнинг йодланганлигини текшириш, йод етишмаслиги деган гапларни тез-тез эшитиб турамиз. Бугунги кунда экологиянинг ёмонлашуви натижасида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи ичимлик сувининг ифлосланиши, озиқ-овқат маҳсулотларида йод моддасининг етишмаслиги каби муаммолар авж олмоқда. Маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг учдан бир қисми бўқоқ, ярмидан кўпи эса йод танқислиги натижасида келиб чиқувчи касалликлардан азият чекадилар. Бу эса келгуси авлод учун хатарлидир. Чунки танада йоднинг етишмаслиги мия фаолияти, илмий салоҳияти, сезгирлигининг сустлашувига, жисмоний ривожланишда орқада қолишига олиб келади. 1998 йили ўтказилган текширишлар давомида Ўзбекистонда 62-85 фоиз болалар бўқоқ касаллигига чалинганлари маълум бўлган. Дунё олимларининг фикрича, киши ҳар куни истеъмол қилиши керак бўлган йодни тўплаши учун икки кг. кўк ёнғоқ ёки уч кг. ҳурмо ейиши керак бўлар экан. Кўриб турганимиздек, бу анча қийин масала. Шу боис, ҳамма учун қулай ва тежамли бўлган йўл — бу ҳар куни, ҳар қандай оилада истеъмол қилинадиган оддий туз ўрнига йодланган туз истеъмол қилишдир. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган тузнинг 50 фоиздан ками йодланган. Одатда ош тузининг йодланган ёки йодланмаганлигини билиш жуда қийин, чунки улар ранги, таъми жиҳатдан ҳеч қандай фарқ қилмайди.

ЮНИСЕФ ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги йод танқислигининг олдини олиш бўйича миллий ҳамкорликни бошладилар. Шу хусусда яқинда ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги қароргоҳида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ҳамкорлик давомида барча ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида саломатлик дарслари ўтказилиб, маълумот берилади.

— Мазкур тадбир болаларни улар учун зарур бўлган билим билан қуроллантириб, келгуси авлодни хавфдан сақлаб қолиш учун имконият яратади ва мавжуд ҳолатни сезиларли даражада ўзгартиради, — дейди ЮНИСЕФ ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Бренда Виго хоним.

Шу йилнинг 16 декабр куни мазкур ҳаракат республикамизнинг барча мактабларидаги ўқувчилар иштирокида катта тадбир ўтказмоқда. Ҳар бир ўқувчи мактабга ўз уйида истеъмол қилаётган ош тузидан намуна олиб келишади. Бу намуналар ЮНИСЕФ етказиб берган махсус тўпламлар ёрдамида текширилади. Ўқувчилар хавфсиз кимёвий эритмани тузга томизадилар. Агар туз йодланган бўлса, унинг ранги ўзгаради. Бола ўзи ўтказган тажриба натижасини дарҳол кўради ва таассуротларини ота-онаси билан ўртоқлашади.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma`rifat" мухбири

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Tadbir

Шу кунларда юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи давом этмоқда.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 282-мактабда ҳам Асосий Қонунимиз — Конституция қабул қилинганлигининг 11 йиллиги тантанаси ўзига хос тарзда нишонланди. "Бу ёруғ оламда Ватан биттадир" деб номланган байрам тадбирида тумандаги барча мактаблардан ўқувчилар иштирок этишди. Бундан мақсад ёш авлодни юртга муҳаббат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришдир. Тадбирда 9 ва 10-синф ўқувчилари ҳуқуқ, конституция, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида савол-жавоблар ўтказишди. Савол-жавоблар куй-қўшиқларга уланиб кетди.

Лобар БЎРОНОВА,
Ҳамза туманидаги 282-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

МУАЛЛИМ — КОНСТИТУЦИЯ ТАРҒИБОТЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

МАКТАБ ИШЛАРИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИДА

Шундай экан етук шахсларни, яъни, ўз ҳуқуқларини тўла англайдиган, умумий ахлоқ меъёрларига риоя қиладиган, билимли шахсларни тарбиялашда Конституцияни ўрганишнинг ўзига хос ўрни бор.

"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-модда.

Бир қараганда, мактабда ўқиш — оддий ҳодиса ҳисобланади. Ҳар бир бола мактаб ёшига етдими, яшаш жойи ҳудудидаги ёки унга яқин умумий ўрта таълим мактабида ўқий бошлайди. Бу — Ўзбекистонда шундай. Кўплаб чет давлатларда эса мактабда ўқиш учун ҳам пул тўлашади. Бизда эса "Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади..."

КОНСТИТУЦИЯНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди".

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 43-модда.

Шундай экан, фуқаролар ушбу ҳуқуқлар ва эркинликлар нималардан иборат эканлигини билишлари лозим. Бунинг учун эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини билиш, ўрганиш шарт.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар тизимли равишда йўлга қўйилган. Мактабгача таълим муассасаларида "Конституция сабоқлари", умумий ўрта таълим мактабларида "Конституция алифбоси", "Атрофимиздаги олам", "Одобнома", ўқиш, табиатшунослик фанлари таркибида, "Конституция оламига саёҳат" — мустақил курс сифатида ўргатилади. "Президент асарлари билимдони", "Сиз қонунни биласизми?", "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" танловлари мунтазам ўтказилади. Буларнинг барчаси ёш авлодни ўз ҳуқуқларини биладиган, етук инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтирилган.

Ўқитувчи — зиёли шахс. Маҳаллаларда, қишлоқларда ўтказиладиган турли тадбирларда, маросимларда кўпни кўрган муаллимлар ҳаракатлантирувчи куч, эл-улус суянадиган шахсга айланганлар. Тўғри йўл излаётганларга ўгит, маслаҳат берадиган ҳам — муаллим. Қолаверса, давлатимиз ва ҳукуматимизнинг келажак учун, халқимиз фаровонлиги учун амалга ошираётган чора-тадбирлари моҳияти, қабул қилинаётган фармон, қарор ва қонунлар моҳиятини халққа тушунтириб бераётганлардан бири ҳам — муаллим. Асосий Қомусимиз маъно, мазмун, моҳият, мақсадини нафақат ўқувчилар, балки, катта ёшли фуқаролар тўла англаб олишлари учун жон куйдираётган ҳам — муаллим. Ана шундай фидоий шахслар бор экан, Ўзбекистон, албатта, озод ва обод, фаровон давлатга, жамиятимиз ҳуқуқий- демократик жамиятга айланишига шубҳа йўқ.

Ҳусан НИШОНОВ

ХАЙРИХОҲЛИК БЎЛСА...

Мактаблар, болалар боғчалари, мактабдан ташқари таълим муассасалари ўзларининг ички имкониятлари ва маҳаллий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда қайсидир бир фанларни чуқурлаштирилган дастурларда ўқитишлари, қайсидир бир долзарб йўналишни ўзлари учун бош мезон қилиб қабул қилишлари бугунги кунда анча оммалашди.

Шўрчи туманидаги "Камалак" болалар боғчаси жамоаси аъзолари ўзлари учун "Соғломлаштириш" йўналишини бош мезон сифатида танлашиб, кичкинтойларга ана шу дастур бўйича алоҳида машғулотлар олиб бориб тарбия бермоқдалар.

— Натижалар яхшими? — деган саволимизга "Камалак" болалар боғчаси мудираси Наталья Доброхлебова шундай жавоб берди:

— Мана шу 2003 йилнинг ўзида "Соғлом авлод учун" кўрик-танловида Шўрчи туманида 1-ўринни, Сурхондарё вилояти бўйича 3-ўринни эгалладик. Бу ҳали ҳаммаси эмас, жорий йилда "Соғломжон-полвонжон" кўрик-танловида туманда ҳам, вилоятда ҳам фахрли 1-ўринни эгалладик.

"Камалак"нинг ҳовлиси-ю хоналарини кўздан кечирарканмиз, дарҳақиқат, бу масканда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдик. Ҳатто ҳар бир гуруҳ хонасида кичкинтойлар жисмоний тайёргарлик кўришлари учун шарт-шароитлар яратилган.

— Бизда асосан гимнастик машқлар асосида соғломлаштириш йўлга қўйилган, — дейди мудира. — Мавжуд 8 та гуруҳимизнинг барча тарбиячилари бу борада ўзига хос малакага эга.

Мана "Ласточка" номли рус тилида сўзлашувчи кичкинтойлар гуруҳи хонасидамиз. Рус халқи эртаклари асосида ҳам, ўзбек ва қардош халқлар эртаклари асосида ҳам ўта топқирлик билан қўғирчоқ томошалари яратилган. Бу ердаги ҳар бир нарса кичкинтойлар дунёсига мос.

Тарбиячи Мелихон Искандарова "боғча опа"лик қилаётган ўрта гуруҳ хонасидаги ишлар ҳам мақтовга лойиқ. Бу хонада ҳам ўйинчоқлар роса кўп. Энг муҳими, ана шу бежирим ўйинчоқларнинг барча-барчаси шу боғчанинг ўзида, мана шу қўли гул "боғча опа"ларнинг ўзлари томонидан ясалган.

Хонада рисоладагидек миллий бурчак ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, мана шу бурчакнинг ўзида Сурхон диёрининг анъана ва урфлари ўз аксини топган. Хонадаги жисмоний тарбия ва спорт бурчагида Ирода Тўлаганова, Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби таниқли спортчиларимизга атаб алоҳида-алоҳида деворий стендлар ташкил этилган.

Болаларни айтмайсиз-ми? Уларнинг спорт гиламлари устида умбалоқ ошганча завқушавқ билан митти-митти гимнастик машқларни бажаришларини кўриб ҳавасингиз келади.

Кўрган-кечирганларимизни хулосаласак, "Камалак" болалар боғчасида ибрат олгулик ишлар анчагина экан. Бироқ, бу ишларга хайрихоҳ бўлган ҳомийларнинг кўмаги бўлса, бизнингча натижалар бундан-да юқори бўлиши шубҳасиз.

— Шу ердаги 92/22 рақамли ҳарбий қисм раҳбарияти баъзан илтимос қилиб борсак, техник ёрдами кўрсатади. Хизматларимиз учун машина-автобус бериб туришади, — дейди Наталья Доброхлебова.

Абдували ОБИДДИН,
"Ma'rifat" мухбири

ТАДБИРДА ОЧИҚ ДАРСЛАР

Jarayon

Шайхонтоҳур тумани ХТБга қарашли 254-ижтимоий фанларга ихтисослашган умумтаълим мактабида Конституциямизнинг 11 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир одатдагидан бошқачароқ ва мазмунлироқ бўлди. Бундай дейишимизга сабаб, ушбу мактабдаги тадбир ҳар доимгидек байрам маросимидангина иборат бўлмади. Балки тажрибали ўқитувчилар турли фанлардан ноанъанавий очиқ дарслар ўтказишди. Хусусан, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанидан Б.Пўлатова "Мустақиллик ҳуқуқ демакдир" мавзусида 9-синф ўқувчилари билан ўтказган дарси барчада қизиқиш уйғотди. Чунки "Бошқарувчилар гуруҳи" ва "Халқ томони"га бўлинган ўқувчилар ўртасида ўтказилган баҳс-мунозарада кўплаб саволларга ойдинлик киритилди. Шундан сўнг даврадаги қизғин руҳ С.Алимованинг чет тили (инглиз тили) фанидан "Конституцияни билиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз" мавзусидаги дарсда давом этди. Ушбу дарсда ўқувчилар қомусимиз ва ҳуқуқий тушунчаларга доир масалаларни "Интеллект ринг" ва саҳна кўринишлари орқали инглиз тилида кўрсатиб беришди.

Туман прокурори ёрдамчиси Камолиддин Нуриллаев ва ТХТБ маънавий-маърифий ишлар бўйича мутахассис Абдуфаттоҳ Одилов иккала дарсга ҳам юқори баҳо берди. Шунингдек, 3-синф ўқувчиларига ўтган "Конституция сабоқлари" фанидан М.Мавлоновнинг "Миллатимизнинг ушалган орзуси" мавзусидаги дарси ва рус тили фанидан С.Ёдгоровнинг "Конституция — Ватан қомуси демак" дарслари янги услублардан моҳирона фойдаланганлиги учун ҳамманинг эътиборини тортди.

Дарсларни хулосалашга келганда турли фикрлар билдирилди. Хусусан, туман ички ишлар бўлимининг ҳудуд нозири Ориф-жон Маҳамаджонов, ТХТБ услубчиси Шаҳло Қўшоқова ва ота-оналар бундай дарсларнинг ўқувчилар фаолиятида таълимий ва тарбиявий аҳамияти каттали-гини таъкидлашди. Шу билан бир қаторда бундай дарсларни мактаб клубида барча ўқувчиларга, ота-оналар ва маҳалла вакилларига кўрсатиш таклифини ҳам билдиришди. Мактаб раҳбари Бахтинисо Пўлатова айтилган таклифларни инобатга олиб, қилинаётган изланишлар аввало ўқувчиларни кенг мушоҳадали бўлишига ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Насиба ЭРХОНОВА
"Ma'rifat" мухбири

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сон қарори асосида Республика умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари — академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим фанларидан ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи Республика жамоалари аъзоларини танлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низомни тасдиқлаш ҳақида 175-сонли қўшма бўйруқ қабул қилдилар. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва Халқаро фан олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом ҳамда Республика фан олимпиадасини ўтказиш ташкилий қўмитасининг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Шунингдек, умумий ўрта таълим Бош бошқармасига: Республика таълим маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда 2003 йил 20 ноябрга қадар мазкур "Низом" асосида қайта ишланган Республика фан олимпиадаларини ўтказиш тартиби, тегишли тавсиянома ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жойларга етказиш вазифаси юклатилди.

Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси эса 2004 йил 1 мартга қадар Республика фан олимпиадасининг якуний натижаларига кўра биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарорида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани тайёрлайдиган бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаларига

2003-2004 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларнинг барча босқичларини янги таҳрирдаги Низом асосида ўтказилишини таъминлашлари лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликларининг 2002 йил 24 октябрдаги 161/304-сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 8.6 бандига биноан, Халқаро олимпиадалар ўтказиладиган фанлар бўйича 2003 йилда ўтказилган олимпиадаларнинг Республика босқичида умумтаълим мактабларининг 10-синф ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 1-2 курс ўқувчилари ўртасида I ўринни эгаллаган ўқувчилар 2004 йил март ойида ўтказиладиган фан олимпиадаларининг республика босқичида 11-синфда тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳуқуқи берилиши ҳамда уларни вилоят(шаҳар) терма жамоа таркибига киритилиши билдирилди.

"Маърифат", "Учитель Узбекистана" газеталари таҳририятларига:

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва Халқаро фан олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низом матнини ўз газета саҳифаларида эълон қилиш ҳамда умуман, фан олимпиадаларини юқори даражада уюшқоқлик билан ҳамда адолатли ўтказиш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишининг таъминланиши таъкидланди.

Ушбу қўшма буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликларининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадаларида иштирок этувчиларни танлаш тўғрисидаги янги тахрирдаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 161/304-сонли қўшма буйруғи ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш

1. Умумий қоидалар

Республика умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари - академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадалари (кейинги ўринларда "фан олимпиадалари" деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сон қарори асосида иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, улардаги ноёб фазилатларни янада ривожлантириш, умумтаълим фанларидан ўтказиладиган халқаро олимпиадаларда иштирок этувчи Республика жамоасининг аъзоларини танлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўтказилади. Мазкур Низом фан олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий қоидалари ва тартибини белгилайди.

2. Фан олимпиадаларининг мақсад ва вазифалари:

2.1. Умумий ўрта таълим мактаблари (шу жумладан махсус мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаблари ва мактаб–интернатлар, олий ўқув юртлари қошидаги лицей ва лицей-интернатлар), академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасидан умумтаълим фанлари бўйича иқтидорли, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш, улардаги ижодий қобилиятнинг рўёбга чиқишига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, касб танлашларига кўмаклашиш ва уларни ўзлари севган касб-ҳунарга йўналтириш;

2.2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш институтлари орасидаги таълим узлуксизлигини таъминлаш;

2.3. Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг олий ўқув юртлари ҳамда Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

2.4. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда мазкур "Низом" талаблари асосида таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг замонавий талаблар даражасида бўлишини таъминлаш, фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, уларнинг қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ва тарбиялашга қаратилган ижодий изланишлари ва меҳнатини рағбатлантириш;

2.5. Қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, тарбиялаш, рағбатлантириш ва камолотга етказиш жараёнида мактаб, ота-оналар ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш;

2.6. Фан олимпиадаларининг якунловчи босқичи ғолиблари орасидан халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга муносиб ўқувчиларни аниқлаш ҳамда фанлар бўйича Республика терма жамоасига номзодлар таркибини шакллантириш.

III. Олимпиадаларни ўтказиш муддати ва тартиби:

3.1. Фан олимпиадаларини ўтказиш босқич ва муддатлари:

I-босқич — умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида(олий ўқув юртлари қошидаги лицей, лицей-интернатларда) - 4 – 10 ноябрь;

II-босқич — туман, шаҳарларда - 10 – 15 декабрь ;

III-босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида - 2 – 10 январ;

IV-босқич - Республика миқёсида - 25 – 30 март кунларида ўтказилади.

3.2. Умумий ўрта таълим мактаблари, махсус мактаб-интернатлар, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактаблар ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тартибига Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма буйруғи билан-гина ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

3.3. Кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатлари ўқувчилари орасида она тили ва адабиёт, математика фанларидан олимпиадалар ёзма - Брайль усулидаги ёзув асосида ва оғзаки турда икки босқичда (вилоят ва Республика миқёсида) ўтказилади. Топшириқлар ташкилий қўмитада тузилган ижодий гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилади, махфийлиги таъминланади ҳамда қатнашчилар кўрсатган натижалар умумий талаблар асосида баҳоланади. Баҳолаш мезонлари экспертлар томонидан ишлаб чиқилади ва ташкилий қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

3.4. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичида ғолиб бўлган академик лицей (шу жумладан ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар, олий ўқув юртлари қошидаги лицей, лицей-интернатлар) ўқувчилари учинчи босқичда олимпиаданинг иккинчи босқичида ғолиб бўлган умумий ўрта таълим мактаби ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари билан биргаликда иштирок этадилар.

3.5. Фан олимпиадаларининг барча босқичларини ўтказиш бўйича умумий методик тавсиялар ва баҳолаш мезонлари, III ва IV босқичлар учун тест саволлари, ёзма иш вариантлари ва амалий топшириқларни тайёрлаш, шунингдек, биринчи, иккинчи ва учинчи босқич фан олимпиадаларининг ўтказилишини мувофиқлаштириш, якунловчи босқич фан олимпиадаларининг ўтказилишини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма буйруқларига биноан Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг масъул ходимларидан иборат Республика ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқланади.

3.6. Фан олимпиадаларининг I,II,III босқичларини ташкил қилиш ва ўтказиш учун вилоят халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими ҳамда ўқув муассасаларида тегишлича — вилоят, туман (шаҳар) ва таълим муассасалари ташкилий қўмиталари тузилади ва унинг таркиби ўз буйруқлари билан тасдиқланади.

3.7. Фан олимпиадаларининг I,II,III босқичларини ўтказиш учун барча фанлар бўйича вилоят халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлимлари, жойлардаги таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчилари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва олий ўқув юртларининг малакали профессор-ўқитувчиларидан иборат ҳакамлар ҳайъати таркиби тузилади ва ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

3.8. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма буйруғига биноан якунловчи IV босқич фан олимпиадасини ўтказиш учун ҳар бир фанлар бўйича 5-7 кишидан иборат таркибда таълим муассасалари(умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари)дан тажрибали ўқитувчилари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва олий ўқув юртларининг малакали профессор-ўқитувчилари, Фанлар Академияси илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади (изоҳ: Давлат тест маркази ходимлари эксперт сифатида иштирок этишлари мумкин).

3.9. Фан олимпиадалари босқичларини юқори савияда ташкил қилиш ва ўтказиш, қатнашчилар томонидан бажариладиган ишларининг махфийлигини таъминлаш тегишли ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати зиммасига юкланади.

3.10. Халқаро олимпиадалар ўтказиладиган фанлар бўйича ёзма иш вариантлари ва амалий топшириқлар халқаро олимпиадалар талаблари даражасида тузилади.

3.11. Фан олимпиадаларининг барча босқичларини ўтказиш бўйича умумий методик тавсиялар, тест-синов, ёзма иш ва амалий топшириқларни баҳолаш мезонлари Республика таълим маркази ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти томонидан ишлаб чиқилиб, Республика ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳолда жойларга етказилади.

3.12. Фарзандлари, ўқитган ўқувчилари ёки яқин қариндошлари олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган ташкилий қўмита ва ҳайъат аъзолари фан олимпиадаларининг тегишли босқичида ташкилий қўмита қарори асосида ташкилий қўмита ёки ҳайъат аъзолари таркибидан чиқариладилар.

3.13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармалари, жойлардаги Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда олимпиаданинг барча босқичларини мазкур Низом, тасдиқланган тартиб ҳамда мезонлар асосида, ошкоралик вазиятида ўтказиш чора-тадбирларини белгилайдилар ва амалга оширадилар.

3.14. Фан олимпиадаларини ўтказиш масъулияти (барча босқичларда) жойлардаги Халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқарма ва бўлимлари, муассасаларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юклатилади.

3.15. Математика, информатика, физика, кимё ва биология каби халқаро фан олимпиадалари ўтказиладиган фанлардан олимпиадалар халқаро талабларга мувофиқ ўтказилади. Математика, информатика ва биологиядан тест-синови, ёзма иш, физика ва кимёдан тест-синови, ёзма иш ҳамда лаборатория иши ўтказилади.

3.16. Фан олимпиадаларининг барча босқичлари учун ишлаб чиқилган тест топшириқлари, ёзма иш вариантлари, амалий топшириқлар ва баҳолаш мезонлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли Қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари" талаблари асосида яратилади, шунингдек, амалда бўлган ўқув дастурларига мазмунан мос келиши шарт. Фан олимпиадаси топшириқларининг ўқув дастурлари доирасида ўқувчиларни мантиқан мушоҳада қилишга ундаш учун такомиллаштирилган шаклда ҳамда халқаро фан олимпиадалари талаблари асосида берилишига рухсат этилади.

IV. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичи:

4.1. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичи бевосита таълим муассасалари (умумий ўрта таълим мактаблари, махсус мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат, лицей, лицей-интернат, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари) да белгиланган кунларда ўтказилади. Мазкур босқич учун тест синови, ёзма иш ва амалий топшириқлар туман, шаҳар халқ таълими ҳамда вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади, ташкилий қўмита томонидан тасдиқланиб, махфийлиги таъминланади ва фан олимпиадаларини ўтказиш кунида жойларга етказилади.

Бу босқичда, ёшидан қатъий назар, фан олимпиадаларида қатнашиш истагини билдирган барча турдаги умумий ўрта таълим мактабларининг 2-11 синф (2-8 синфларда - кичик фан олимпиадалари ўтказилади) ўқувчилари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар-коллежларининг 1-2-3 курс ўқувчилари иштирок этадилар. Ўқувчиларга бир ёки икки фандан ўз имкониятларини синаб кўришлари учун тегишли шароит яратилади. Қолган босқичларда ҳар бир ўқувчи ўзи истаган ва энг яхши натижаларга эришган фақат битта фан бўйича синовларда иштирок этиши мумкин.

4.2. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичини юқори савияда ўтказишга шахсан муассаса раҳбари масъулдир. Мазкур босқич бевосита туман(шаҳар) халқ таълими бўлими ҳамда вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг умумий раҳбарлиги ва назорати остида ўтказилади.

4.3. Фан олимпиадаларининг 1-босқичи натижалари ўқув муассасасининг педагогика кенгашларида муҳокама этилади ва фан олимпиадалари ўтказилган фанлардан I ўринни эгаллаган ғолибнинг туман (шаҳар) олимпиадасида қатнашиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

V. Фан олимпиадаларининг иккинчи босқичи:

5.1. Фан олимпиадаларининг туман(шаҳар) босқичини ўтказиш масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) халқ таълими бошқармалари ҳамда вилоят Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари зиммасида бўлади.

Мазкур босқич учун тест, ёзма иш ва амалий топшириқлар вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида тайёрланиб, жойлардаги ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади, махфийлиги таъминланади ва фан олимпиадаларини ўтказиш кунида жойларга етказилади.

5.2. Фан олимпиадаларининг биринчи босқичида I ўринни эгаллаган 9-10-11 - синф ҳамда касб-ҳунар коллежларининг 1-2-3-курс ўқувчилари туман(шаҳар) миқёсида ўтказиладиган иккинчи босқичда биргаликда қатнашадилар. Унда касб-ҳунар коллежларининг 1-2-курс ўқувчилари умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синф ўқувчилари билан, 3-курс ўқувчилари эса 11-синф ўқувчилари билан бирга иштирок этадилар.

5.3. Фан олимпиадаларининг иккинчи босқичини ўтказиш жойи ва вақти, ташкилий қўмита ҳамда ҳакамлар ҳайъати таркиби туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳамда вилоят Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан белгиланади ва уларнинг буйруқлари билан тасдиқланади. Ҳакамлар ҳайъати таркибига илғор ўқитувчилар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг профессор-ўқитувчилари киритилади.

5.4. Фан олимпиадаларининг иккинчи босқичи якунлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ва вилоят Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан кўриб чиқилиб, III босқичида иштирок этиш учун туман(шаҳар) жамоаси таркиби халқ таълими бўлимининг буйруғи билан тасдиқланади.

5.5. Мазкур босқичдаги фан олимпиадаларини талаблар даражасида ўтказиш масъулияти туман(шаҳар) халқ таълими бўлими, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда фан олимпиадаларининг II босқичини ўтказувчи ташкилий қўмита раҳбарлари зиммасида бўлади.

VI. Фан олимпиадаларининг учинчи босқичи:

6.1. Фан олимпиадаларининг III ва IV босқичлари учун зарур бўлган тест топшириқлари, ёзма иш ва амалий топшириқлар кўп вариантлилик тамойили асосида Республика ташкилий қўмитаси раҳбарлиги остида Республика таълим маркази Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти билан ҳамкорликда тайёрланиб, уларнинг махфийлиги таъминланади ҳамда фан олимпиадаларини ўтказиш кунида жойларга етказилади.

6.2. Фан олимпиадаларининг учинчи босқичида қатнашиш ҳуқуқи фан олимпиадаларининг II босқичида тест-синовлари, ёзма иш ва амалий топшириқлардан жами 76-100 оралиғида балл тўплаган: биринчи ўринни эгаллаган 9-10-11-синф ҳамда касб-ҳунар коллежларининг 1-2-3-курс ўқувчилари иштирок этадилар.

Унда умумий ўрта таълим мактаблари (ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар, олий ўқув юртлари қошидаги лицей ва лицей-интернатлар)нинг 10-синф ўқувчилари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 1-2-курс ўқувчилари билан, 11-синф ўқувчилари эса 3 курс ўқувчилари билан биргаликда иштирок этадилар.

6.3. Иқтидорли болаларга мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат, лицей ва лицей-интернатлар ҳамда академик лицейлар ўқувчилари биринчи босқичдан сўнг тўғридан-тўғри учинчи босқичда иштирок этадилар. Уларнинг учинчи босқичда иштироки хусусида эса вилоят халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари алоҳида қарор қабул қиладилар.

6.4. Фан олимпиадаларининг учинчи босқичи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ва вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари, вилоят Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармалари раҳбарлигида, вилоятлардаги олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази масъул ходимларининг бевосита иштирокида ўтказилади.

6.5. Учинчи босқичда қатнашган ўқувчилар томонидан бажарилган ишлар вилоят ташкилий қўмитаси томонидан чуқур таҳлил этилиши лозим. Фанлар бўйича ғолиб ўқувчилар бажарган тест топшириқлари, ёзма иш ва амалий топшириқлар ҳамда тавсия этилган бошқа ҳужжатлар бехато расмийлаштирилган ҳолда ҳар йили 1 февралгача фан олимпиадаларини ўтказувчи Республика ташкилий қўмитасига вилоят ташкилий қўмитаси раиси ёки масъул котиби томонидан шахсан топширилади. Ҳужжатларни алоқа воситалари ёки бошқа шахс орқали юбориш қатъиян ман этилади. Буюртма ва вилоят ғолибларининг талаб этилган бошқа ҳужжатларини ўз вақтида топширмаган жамоа шу фан бўйича тўртинчи босқич олимпиадаларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

6.6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри халқ таълими, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари олимпиадаларнинг вилоят босқичида ғолиб чиққан ўқувчиларни мусобақаларнинг Республика босқичига уюшқоқлик билан тайёрлаш мақсадида барча ташкилий чораларни кўришлари шарт.

VII. Фан олимпиадаларининг тўртинчи босқичи:

7.1. Фан олимпиадаларининг IV - Республика босқичи:

Фан олимпиадаларининг мазкур босқичида қатнашиш ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар босқичида тест-синовлари, ёзма иш ва амалий топшириқлардан жами 76-100 оралиғида балл тўплаган:

а) фан олимпиадаларининг III босқичда биринчи ўринни эгаллаган умумий ўрта таълим мактаблари (шу жумладан ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат, лицей ва лицей -интернатлари) нинг 11-синф ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 3-курс ўқувчилари ўртасида ўтказилади;

б) Халқаро фан олимпиадалари ўтказиладиган фанлар(физика, математика, кимё, биология ва информатика)дан эса III босқичда I, II, III ўринни эгаллаган умумий ўрта таълим мактаблари (шу жумладан ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат, лицей ва лицей -интернатлар) нинг 11-синф ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг III курс ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

7.2. Фан олимпиадиларининг якунловчи - Республика босқичида физика, математика, кимё, биология ва информатика фанлари бўйича совринли ўринларни эгаллаган ҳамда юқори натижаларни кўрсатган ўқувчилар айни пайтда халқаро фан олимпиадасида иштирок этувчи жамоа аъзолигига номзод ҳисобланади.

7.3. Фан олимпиадаларининг тўртинчи босқичида фанлардан 76 ва ундан юқори балл олиб, I,II,III - ўринларни эгаллаган умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг 3- курс ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз кириш имтиёзига эга бўладилар.

7.4. Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича ўтказилган учинчи босқич олимпиадасида I,II,III - ўринларни эгаллаган ғолиблар якунловчи - IV босқич синовларидан озод этиладилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорига биноан олимпиадалар ғолибларига бериладиган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланадилар. Мазкур фан бўйича II,III босқич олимпиада топшириқларини тайёрлаш масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси зиммасига юклатилади.

7.5. Вилоят(Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳар) босқичида I, II, III ўринни эгаллаган 9-синф ўқувчилари ғолиб бўлган фанлари йўналишида ўзлари яшаб турган вилоят(шаҳар)да жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига кириш имтиёзига эга бўлади.

7.6. Фан олимпиадаларининг якунловчи босқичини тайёрлаш ва ўтказишга доир ташкилий ишлар Республика ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

7.7. Фан олимпиадаларининг якунловчи Республика босқичини ўтказиш тартиби, ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати таркиби Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма буйруғи билан тасдиқланади.

7.8. Республика фан олимпиадалари (халқаро фан олимпиадаларига иштирок этиш танлови) ўтказиладиган жойга иштирокчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, уларнинг яшаш ва йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ташкилий ишлар масъулияти Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

7.9. Фан олимпиадалари якунловчи Республика(халқаро фан олимпиадаларига иштирок этиш танлови) босқичининг ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан қатнашчилар, жамоа раҳбарлари ҳамда ота-оналардан тушган оғзаки ва ёзма шикоят-аризалар ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати томонидан тезкорлик билан олимпиада ўтказилаётган куннинг ўзида бевосита жойида ҳал этилади. Бошқа кунлари билдирилган эътироз ва шикоятлар кўриб чиқилмайди.

7.10. Фан олимпиадалари жараёнида ўрнатилган тартиб – қоидаларга амал қилмаган ўқувчи ҳакамлар ҳайъати қарори билан олимпиададан четлаштирилади. Бу ҳақида тегишли далолатнома тузилиб, уни ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари имзолайдилар.

7.11. Халқаро фан олимпиадаларига танловнинг кейинги босқичини ўтказиш тартиби Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими вазирликларининг қўшма буйруғи билан белгиланади.

VIII. Фан олимпиадалари ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш

8.1. Фан олимпиадаларининг барча босқичларида ўқувчиларнинг билим даражаси давлат таълим стандартлари ҳамда фанларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган, илмий-методик кенгашларда муҳокама қилинган ва тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади. Барча босқичларда шахсий биринчилик аниқланади.

8.2. Фан олимпиадаларининг барча босқичларидаги ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъатининг қўшма йиғилишлари қарорига биноан амалга оширилади.

8.3. Фан олимпиадаларининг барча босқичларида I,II,III - ўрин ғолиблари ёзма иш, тест ҳамда ижодий ва амалий топшириқлар натижаларига кўра 76 ва ундан юқори балл тўплаган ўқувчилар ўртасида аниқланади. Ўқувчилар кўрсатган натижалар тенг келиб қолган тақдирда совриндорни белгилаш учун қўшимча тест топшириқлари берилади ва бу ҳолат олимпиаданинг совриндори аниқлангунга ёки ўқувчилардан бири беллашувни давом эттиришдан ихтиёрий воз кечгунга қадар давом эттирилади.

(Иккинчи ҳолатда ҳакамлар ҳайъати томонидан баённома тузилиб, ҳар икки ўқувчига имзо қўйдирилади.)

8.4. Фан олимпиадаларининг якунловчи босқичи ғолибларининг сони ҳар бир фан бўйича қуйидагича белгиланади: биринчи ўрин - битта, иккинчи ўрин - битта, учинчи ўрин - битта. Шу жумладан қорақалпоқ тили фани бўйича ғолиблар ҳам шундай белгиланади.

8.5. Якуний натижаларга кўра биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва рағбатлантириш тўғрисида"ги 157-сонли қарорида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар билан тақдирланадилар ҳамда халқаро олимпиадаларда иштирок этиш учун ташкил этиладиган жамоа номзоди бўлиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

8.6. Халқаро танловларга иштирок этишга номзод(8.5 бандга биноан) ва фан олимпиадасининг III босқичида мазкур 5 та фандан ғолиб бўлган ўқувчилар ўртасида қўшимча танлов ўтказилади. Танлов натижаларига кўра Халқаро олимпиадада иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоасига аъзо ўқувчилар аниқланади.

8.7. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда жойлардаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ўқувчилари фан олимпиадаларида мунтазам равишда совринли ўринларни эгаллаб келаётган ўқитувчиларни ва жойлардаги Ташкилий қўмитанинг фаол аъзоларини тақдирлаш хусусидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига тақдим этадилар.

8.8. Халқаро фан олимпиадалари, фан лойиҳалари танловлари ғолибларини тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларисиз олий ўқув юртларига қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорликда таъсис этадиган махсус гувоҳнома асосида амалга оширилади.

8.9. Фан олимпиадалари натижалари Халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг қўшма хайъат мажлисида кўриб чиқилади ва тегишли қўшма қарор

академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари олимпиадаларини ўтказиш ва Халқаро фан тўғрисида Н И З О М

қабул қилинади. Ғолиблар рўйхати ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига топширилади.

IX. Ташкилий қўмита ишининг мазмуни

Умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадаларини талаблар даражасида ўтказиш учун унинг мактаб, туман(шаҳар), вилоят ва Республика босқичларида раис, раис ўринбосари, масъул котиб ва аъзолардан иборат ташкилий қўмита тузилади.

9.1. Жойлардаги ташкилий қўмиталарининг вазифалари:

Фан олимпиадалари ҳудудий босқичларининг "Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Халқаро фан олимпиадаларига иштирок этувчиларни танлаш ва Республика олимпиадаларини ўтказиш тўғрисида Низом", фан олимпиадаларини ўтказиш тартиби талаблари ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилишига амалий ёрдам кўрсатиш, олимпиадаларнинг боришини назорат қилиш ва таълимнинг юқори бошқарув идораларига ҳисобот бериш;

фан олимпиадалари иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш, тиббий хизмат кўрсатиш ва кузатишни ташкил қилиш;

фан олимпиадалари иштирокчилари ва жамоа раҳбарларини олимпиадани ўтказиш тартиби, қатнашчилар билимини баҳолаш мезонлари билан таништириш;

ўз ҳудудларида фан олимпиадаларининг илмий-методик жиҳатдан юқори савияда, адолат ва ошкоралик мезонлари асосида ўтказилишини таъминлаш;

фан олимпиадалари ғолибларини ва уларни тайёрлаган ўқитувчиларни тақдирлаш ҳамда рағбатлантириш юзасидан таклифлар бериш;

барча босқичларда ўтказилган фан олимпиадалари натижалари бўйича белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларнинг кейинги босқич ташкилий қўмитасига ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш:

- фан олимпиадаларининг тегишли босқичи ўтказилиши юзасидан ҳисобот(солиштирма таҳлиллар асосида);
- муассаса,туман(шаҳар) халқ таълими бўлими кенгаши ёки вилоят халқ таълими бошқармаси қароридан кўчирма;
- фанлар бўйича жамоа таркиби кўрсатилган буюртма;
- ғолиб ўқувчиларнинг олимпиадаларда бажарган ишларининг асли (тегишли равишда расмийлаштирилган ҳолдаги тест варақаси, амалий ва ёзма ишлари);
- ҳар бир ўқувчининг саломатлиги тўғрисида тиббий маълумотнома;
- ўқувчининг паспорти ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳномасининг тасдиқланган ёки ксерокс нусхаси;
- қатнашчининг 4 х 6 ҳажмдаги рангли 4 та фотосурати.

9.2. Республика Ташкилий қўмитаси:

Фан олимпиадаларининг барча босқичларини тайёрлаш ва ўтказишга умумий раҳбарликни Республика ташкилий қўмитаси амалга оширади. Шунингдек:

фан олимпиадаларининг республика босқичини тайёрлаш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштиради, унга нисбатан ташкилий, илмий-методик ёндашувни таъминлайди;

фан олимпиадаларининг II-IV босқичлари учун иштирокчилар жавобларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилишини ва уни жойларга етказилишини ҳамда унга қатъий амал қилинишини таъминлайди;

зарурат туғилган ҳолларда ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати ва масъул котиблар таркибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан қарорлар қабул қилади;

фан олимпиадалари иштирокчилари, уларнинг ота-оналаридан ва ҳакамлар ҳайъатидан тушган аризаларни кўриб чиқади;

фан олимпиадаларининг барча босқичларини ўтказишга оид ҳужжатларнинг жойларга ўз вақтида етказилишини таъминлайди;

фан олимпиадалари натижалари ҳақида тегишли юқори ташкилотларга маълумот беради;

ташкилий қўмита ва хакамлар хайъати аъзоларидан энг фаолларини, фанлар бўйича олимпиада ғолибларини тайёрлаган устозларни Вазирликлар томонидан рағбатлантиришга тавсия қилади.

X. Ҳакамлар ҳайъати:

10.1. Фан олимпиадаларининг барча босқичларидаги ҳакамлар ҳайъати 5-7 кишидан иборат таркибда таълим муассасалари (умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари) нинг илғор, тажрибали ўқитувчилари, университет ва институтларнинг профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари олимларидан шакллантирилади.

10.2. Ҳакамлар ҳайъати қуйидаги вазифаларни бажаради:

фан олимпиадалари иштирокчилари томонидан бажарилган вазифаларни текширади ва баҳолайди;

ғолибларни аниқлаб, уларнинг эгаллаган ўринларини белгилайди;

фан олимпиадалари якунлари юзасидан белгиланган тартибда қарор матнларини тайёрлайди ва расмийлаштиради;

фан олимпиадалари жараёнида рўй бериши мумкин бўлган техник носозликлар ва англашилмовчиликларнинг олдини олади, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

фан олимпиадалари натижаларини олимпиада қатнашчилари ва жамоа раҳбарлари иштирокида эълон қилади, зарур ҳолларда қатнашчилар ҳамда ота-оналарнинг, жамоа раҳбарларининг саволларига жавоб беради, уларнинг эътирозларини кўриб чиқади;

ўтказилган олимпиада натижалари ҳақида Ташкилий қўмитага батафсил ҳисобот беради, зарур ҳужжатларни тақдим этади;

ҳакамлар ҳайъати таркибига тавсия қилинган аъзолар фақат битта босқичдаги олимпиадада (туман, шаҳар, вилоят ёки Республика) иштирок этадилар;

ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари узлуксиз равишда икки йилдан ортиқ олимпиада ҳакамлари таркибида бўлишлари мумкин эмас.

10.3. Ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида уч нафари фан олимпиадалари ўтказиладиган жойга етиб келганидан сўнг олимпиада ўз ишини бошлаши мумкин. Ташкилий қўмита эса тезкорлик билан ҳакамлар ҳайъати таркибига янги аъзолар киритиш чораларини кўради.

10.4. Ҳайъат раиси узрли сабабларга кўра фан олимпиадалари ўтказиладиган жойга келолмай қолганда раис муовини унинг вазифасини бажаради. Раис ва унинг муовини етиб келмаган ҳолда эса ҳайъат аъзолари орасидан раис сайланади. Бу ҳақдаги қарор расмийлаштирилиб, Ташкилий қўмитага хабар қилинади.

10.5. Фан олимпиадаси қатнашчиларининг ишлари ташкилий қўмита аъзолари томонидан шифрланади ва ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилади. Текширилган ишлар шифр асосида рўйхат қилинади ва натижаларига кўра ғолиблар аниқланади. Иштирокчиларнинг ишлари бир ойгача сақланади. Бир ойлик муддатдан сўнг қатнашчилар томонидан бажарилган ёзма иш ва тест вариантлари ҳамда амалий ишлар архивга сақлаш учун топширилади.

10.6. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорлари, ғолибларга бериладиган гувоҳномалар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан тақдим этилган буюртмалар асосида тўлдирилади. Қатнашчиларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома /паспорт/ асосида тўлиқ ва аниқ ёзилиши шарт.

XI. Фан олимпиадалари якунловчи босқичининг масъул котиблари:

11.1. Фан олимпиадаларининг якунловчи IV босқичи масъул котиблари Республика ташкилий қўмитаси томонидан тайинланади ва улар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

ўзлари мутасадди бўлган фанга оид якунловчи босқич олимпиадасининг ҳужжатларини расмийлаштиради;

тегишли фан бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзоларини олимпиада ҳужжатлари билан таништиради ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди;

ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан доимий алоқада бўлади, уларнинг барча йиғилишларга ва олимпиадага белгиланган вақтда етиб келишларини таъминлайди;

ўзлари масъул бўлган фан олимпиадаси якунлари ҳақида қабул қилинган шаклда ҳисоботлар тайёрлайди ва расмийлаштиради.

11.2. Масъул котиблар фан олимпиадаси иштирокчилари ишларини баҳолашда бевосита иштирок этмайдилар.

XII. Фан олимпиадаларининг молиявий таъминоти

12.1. Республика Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳисобидан қуйидаги тадбирлар учун маблағ ажратилади:

якунловчи босқични тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

якунловчи босқич қатнашчиларини жойлаштириш, овқатлантириш, маданий дастурлар, фахрий ёрлиқ, гувоҳномалар ва барча олимпиада қатнашчиларига ташаккурнома ва эсдалик совғалари, девонхона ашёлари тайёрлаш учун кетадиган харажатлар;

тўртинчи босқични ўтказиш бўйича Республика ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг хизмат сафари харажатлари;

олимпиадани II, III босқичи учун тайёрланадиган ёзма иш, тест-синов, амалий иш материалларига кетадиган харажатлар;

Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ходимларини фан олимпиадасини II ва III босқичида иштирок этиши учун кетадиган харажатлар.

Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг тегишли Молия ва режалаштириш бошқармалари фан олимпиадаларининг якунловчи босқичи барча сарф-харажатлари билан боғлиқ ҳужжатларни ҳар йили 1 февралгача тасдиқлатиб оладилар.

12.2. Фан олимпиадаларини ўтказиш бўйича қуйидаги сарф-харажатлар маҳаллий таълим бошқаруви идоралари ҳисобидан қопланади:

фан олимпиадаларининг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатлар;

қатнашчиларнинг турар жойидан фан олимпиадаларининг Республика(халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиш танлови) босқичини ўтказиш манзилига келишлари ва қайтиб кетишлари, жамоага масъул ходимларнинг хизмат сафари харажатлари.

12.3. Фан олимпиадаларининг барча босқичларида унга корхоналар, муассасалар, турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслар, жамғармалар, маҳаллалар, бошқа жамоат ташкилотлари ҳомийлик қилишлари мумкин.

Фан олимпиадалари ўтказилиши белгиланган умумтаълим фанлари

Р Ў Й Х А Т И

1. Она тили ва адабиёти
2. Ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)
3. Рус тили ва адабиёти (ўзбек ва бошқа тилларда ўқитиладиган гуруҳларида)
4. Рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)
5. Қозоқ тили ва адабиёти
6. Тожик тили ва адабиёти
7. Инглиз тили
8. Француз тили
9. Немис тили
10. Қорақалпоқ тили ва адабиёти(Қорақалпоғистон Республикасида)
11. Математика
12. Физика
13. Биология
14. Химия
15. География
16. Информатика ва ЭҲМ
17. Чизмачилик
18. Ҳуқуқшунослик
19. Тарих
20. Иқтисодий билим асослари
21. Она тили ва адабиёт (махсус мактаб-интернатларда)
22. Математика(махсус мактаб-интернатларда)

Эслатма: Араб, форс, ҳинд, урду, хитой ва шу каби хорижий тиллар бўйича олимпиаданинг Республика босқичига камида 8 та вилоятдан буюртма олингандагина ушбу фанлар олимпиада ўтказиладиган фанлар таркибига киритилади.

Ташкилий қўмита

Фанлар бўйича олимпиадаларни ўтказиш шакллари

№	Фанлар	Олимпиадани ўтказиш шакли
1.	Она тили ва адабиёт	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
2.	Ўзбек тили (таълим рус ва бошқа тилларда олиб бориладиган гуруҳларда)	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
3.	Рус тили ва адабиёти (ўзбек ва бошқа тилларда ўқитиладиган гуруҳларда)	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
4.	Рус тили ва адабиёти (рус гуруҳларида)	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
5.	Инглиз тили	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
6.	Немис тили	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
7.	Француз тили	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
8.	Қозоқ тили	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
9.	Тожик тили	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
10.	Қорақалпоқ тили ва адабиёти (Қорақалпоғистон Республикасида)	I тур: ёзма иш II тур: оғзаки ижодий иш III тур: тест синови
11.	Математика	I тур: ёзма иш, II тур: тест-синови
12.	Физика	I тур: ёзма иш II тур: лаборатория иши III тур: тест синови
13.	Биология	I тур: ёзма иш II тур: амалий топшириқ III тур: тест синови
14.	Кимё	I тур: ёзма иш II тур: лаборатория иши III тур: тест синови
15.	Информатика	I тур: ёзма иш II тур: тест синови
16.	Тарих	I тур: мустақил иш II тур: тест синови
17.	Ҳуқуқшунослик	I тур: мустақил иш II тур: тест синови
18.	География	1 тур: тест синови II тур: амалий иш
19.	Иқтисодий билим асослари	1 тур: тест синови II тур: амалий иш
20.	Чизмачилик	1 тур: тест синови II тур: амалий иш

Fanlar akademiyasining 60 yilligi oldidan

УСТОЗ ҚЎШЖОНОВ САБОҚЛАРИ

Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг ҳаёти ва фаолияти, оддий талабаликдан академикликкача босиб ўтган машаққатли умр йўли чиндан ибрат олса арзигуликдир. Устознинг илмий изланишлари, асосан, XX аср ўзбек адабиёти тадқиқига доир. Унинг Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари адабиётимиз йирик намоёндалари ижодига бағишланган тадқиқотлари бугунги кунда ҳам замонавий ўзбек адабиётида муҳим қўлланма вазифасини ўтаётир. Матёқуб Қўшжоновнинг илмий асарлари элликка яқин номда китоб ва рисола тарзида чоп этилган. Олимнинг "Дагиш", "Алам" номли хотира китоблари, "Дийдор" номли эсселар тўплами кейинги йилларда унинг бадиий ижод соҳасида ҳам самарали фаолият кўрсатаётганидан далолатдир.

Матёқуб Қўшжонов илмий раҳбарлигида беш нафар фан доктори, ўн тўрт нафар фан номзоди етишиб чиқди. Аслида эса устознинг шогирдлари бисёр. Улар орасида таниқли мунаққид, моҳир муҳаррир Маҳмуд Саъдийнинг алоҳида ўрни бор. Мухбиримиз академик Матёқуб Қўшжоновнинг 85 йиллиги муносабати билан у кишининг суюкли шогирдларидан Маҳмуд Саъдий билан учрашиб, устоз олим ҳақида суҳбатлашди.

— Яхши устозларга дуч келиш шогирднинг омади, дейишади. Бундай омад, Маҳмуд ака, сизга ҳам бегона эмас. Матёқуб Қўшжоновдек олимга шогирд тушиб, домла билан шунча йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келасиз. Мана шу жараён дастлаб қачон, қандай шароитда бошланган?

— Мен Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ўқишга кирганимдан кейин, университет ҳаёти билан таниша бошладим. Бу ерда бир ажойиб адабиёт тўгараги бор эди. Бу тўгаракни домламиз Матёқуб Қўшжонов бошқарарди. Тўгаракнинг мавқеини шундан ҳам билса бўладики, бугунги ўзбек адабиётининг бир қанча йирик вакилларининг ижодкор сифатида илк шакланиш босқичида устознинг адабиёт тўгарагининг ўрни катта, деб ўйлайман.

Мен биринчи курсданоқ бу тўгаракда фаол қатнашиш пайида бўлганман. Машғулотлардан бирида Асқад Мухторнинг "Туғилиш" романи муҳокама қилинди. Муҳокамада маъруза қилган юқори курс талабаси асар ва қаламга олинган қурилиш, қурувчилар билан боғлиқ воқеалар ҳақида тўхталиб, улар ҳаёт ҳақиқатига мос эмас, деган фикрни айтди. Мен кечагина қурилишдан келганим, бу соҳада озми-кўпми ишлаб, тажриба орттирганим боис унинг танқидий фикрларини рад этдим. Қўшжонов домла машғулот якунида сўзга чиққан тўгарак қатнашчиларининг фикрларини жамлаб, уларга муносабат билдирди ва менинг мулоҳазаларим ҳақида ҳам тўхтаб, уларни тўғри, деб баҳолади. Албатта, мен бундан хурсанд бўлдим... Хуллас, домла билан илк мулоқотимиз шундай кечган. Кейин, орадан кўп ўтмай Матёқуб Қўшжонов Фанлар академиясига ишга ўтиб кетди.

У кишини биринчи марта устоз сифатида таниганим устознинг "Ҳаёт ва маҳорат" номли китоби билан боғлиқ. Бу китоб 1962 йили чиқди. Ўша даврда чоп этилган китобларда, одатда, марксизм-ленинизм классиклари асарларидан, собиқ совет ҳукумати раҳбарлари нутқларидан олинган иқтибослар тўлиб-тошиб ётарди. "Ҳаёт ва маҳорат" китобида, жудаям зарур бир-икки ўринда бундай парчалар келтирилмаган бўлса, деярли учрамайди. Бу китобда адабиётни адабиёт сифатида, бадиий асарни санъат асари сифатида таҳлил қилиш, бадиият сирларини очишга интилиш бор. Назарий масалалар Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари атоқли адиблар асарлари асосида таҳлил қилинган. Қисқаси, домланинг "Ҳаёт ва маҳорат" китоби ўшанда бизнинг кўзимизни "ярқ" этиб очиб юборган китоб бўлган эди. Гапнинг тўғрисини айтсам, бу — ўзбек адабиётшунослигида, яхши маънода, бурилиш ясаган китоб.

Домланинг бу китобигача ҳам бақувват тадқиқотлари бўлган. (Масалан, А.Алимуҳамедов мақолалари.) Лекин Қўшжонов ана шу анъаналарни юксак даражага олиб чиқди. Муҳими, кейинги илмий-ижодий фаолиятида олим ана шу йўлидан чекинмади. Айниқса, "Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати" номли китобида бу жуда ёрқин кўринади.

— Илмий даража, илмий унвон олганларнинг ҳаммаси ҳам олим бўлавермайди, дейсиз. Мен бу фикрингизга қўшилган ҳолда, олимликнинг инсон феъл-атвори, таржимаи ҳоли, жамиятдаги мавқеи билан қандай боғлиқ томонлари борлигини сиз яқиндан билган домла Қўшжонов ҳаёти, фаолияти мисолида билишни истардим.

— Мен домлани маънавий отам, деб ҳисоблайман. У киши менга инсон сифатида ҳам ёқади, тўғрисўз, ҳақгўйлиги кўпчиликка ибрат.

Баъзан домланинг ўртачароқ асарни кўтариброқ ёзган мақолаларини ўқиб, қаттиқ танқидий гапларни айтганимда ҳам, тан олиб, нима учун бу мақолани ёзганини изоҳлаб беришга ҳаракат қилган.

Мен устознинг жуда кўп мақолаларини, бир неча китобларини таҳрир қилганман; китобларини номлашда, ўзининг таклифи билан, фикрларимни айтганман, масалан, "Ўзбекнинг ўзлиги", "Дагиш" китобларини номлашда ҳисса қўшганман. Ўзига маъқул бўлган таклифларимни олган. Айтмоқчиманки, домла — бутун олам, у киши билан илмда ҳам, ҳаётда ҳам тўғрисини гаплашиш мумкин. Мана, масалан, бир мисол. Бир куни мен: домла, сиз ҳар хил нарсаларни ҳам ёзаяпсиз. Нега, бўш асарлар ҳақида ёзаяпсиз, дедим. У киши айтдики, энди, бу адабий жараён, ўзинг биласан, юксак бадиий асар доим пайдо бўлавермайди, адабий муҳитга аралашиб туриш керак, деди. Адабий жараёнга аралашиб турганингиз яхши, нега бўш асарларни кўтариброқ ёзаяпсиз, дедим. Тўғри, деди домла, ўртача асарлар ҳақида ҳам ёзаяпман, лекин шу ўртача асар айнан шу ёзувчи ижодида ўсиш бўлганини кўрсатиб турибди-да. Аммо баъзан баҳо бироз ошиб кетган бўлиши мумкин, одамнинг юзи иссиқ. Мен бундай мақолаларимни асосий асарларим қаторига қўшмайман, чунки адабиётда менинг қиладиган асосий ишларим бор, деди домла. Булар XX аср ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳордек чўққилари ижодини таҳлил қилиш. Энди танқидчи бўлганимдан кейин бошқа ёзувчиларнинг асарларига ҳам муносабат билдириб туришим керак-да, деб жавоб берди.

Айтмоқчиманки, домла ҳар бир ёзувчининг ўзининг ижодига, асарига қараб баҳо беришига интилиб келган.

— Матёқуб Қўшжонов сингари олимларнинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссалари, замонавий адабиётшуносликнинг шаклланишидаги хизматлари жуда катта. Шу маънода биз адабий танқидда, адабиётшуносликда Матёқуб Қўшжонов мактаби бор, дея оламизми?

— Бу муҳим масала. Бироқ бизда ҳали адабий танқидчилик атрофлича ўрганилиб, тадқиқ қилингани йўқ. Қўшжонов домлани бугунги таниқли адабиётшунослар, ёзувчи, шоирлар ўзларининг устози, деб ҳисоблашади, тан олишади. Бу яхши, албатта. Лекин у кишидек асарнинг ичига чуқур кириб таҳлил қилиш танқидчиларнинг ҳаммасига ҳам насиб қилавермайди. Шу маънода Матёқуб аканинг ижодидан таъсирланиш, таҳлил услубига интилиш танқидчиликда бор ҳодиса.

Энди, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Қўшжоновнинг адабиёт назариясига доир, дейлик, бадиий асар композицияси, конфликт ҳақидаги қарашларини ким давом эттираяпти? Умуман, бизда муайян система асосида яратилган адабиёт назарияси борми? Адабиёт назарияси доир яхши-яхши асарлар бор бизда. Лекин булар оғизни тўлдириб: бизда адабиёт назарияси яратилди, дейишга изн берадими? Масалан, Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси" китоби ўз даври учун яхши қўлланма эди. Бироқ энди бугун бу асар талабга тўла жавоб бера оладими?..

Саволингизга келсак, такрор айтаман: Матёқуб Қўшжоновга эргашиш, у кишининг анъаналарини давом эттираётганлар бор. Лекин домланинг илмий-ижодий фаолияти тўла-тўкис ўрганилганда, тадқиқ этилганда адабиётшуносликда Қўшжонов мактаби, бу мактабнинг ўзига хос жиҳатлари янада аён бўлади. Бу масаланинг яна бир томони ҳам бор. Домла фақат адабиёт назарияси билан шуғулланган йўқ. Адабий жараёнда фаол иштирок этди, бадиий ижод билан ҳам шуғулланди. Агар у киши бутун кучини фақат назарияга ташлаганда, эҳтимол, издошлари кўп бўлиб, бу катта бир мактабга айланарди. Ҳозир, менингча, домланинг асарларида ўзига хос адабиётшунослик мактаби яратилиши учун бир катта замин, асослар бор. Агар XX аср ўзбек адабиётшунослиги бўйича туркумми, хрестоматиями тайёрланса, ундан Матёқуб Қўшжоновнинг "Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати" номли китоби ўрин олишига мен, албатта, аминман. Чунки бу тадқиқот ўзбек адабиётшунослигининг ўтган асрда эришган энг катта ютуқларидан, деб биламан.

Тағин бир фикрни айтиб кетиш лозим. Қўшжоновнинг илмий-ижодий фаолиятига номзодлик, докторлик ишларида кенг ўрин берилаётир. Бироқ негадир ҳали домланинг бутун қиёфаси борича очиб берилган эмас. Ҳали қўшжоновшунослик юзага келиши керак. Шунда домланинг адабиётшунослигимиздаги ўрни, мавқеи янада ойдинлашади.

— Устоз, шу ўринда Қўшжонов домланинг таҳлил санъатига хос бўлган хусусиятларга қисқача тўхтаб ўтсангиз.

— Домланинг Абдулла Қаҳҳорнинг "Қўшчинор чироқлари" романи таҳлилига бағишланган бир мақоласи бор. Агар эътибор бериб ўқисангиз, сизда худди шу романни ўқиб чиққандек яхши таассурот қолади. Бу нимадан? Бу домланинг асарни қайта яратиш санъатини пухта эгаллаганидан далолат. Ёки у кишининг Сайёрнинг "Ҳулкар" номли асари ҳақидаги "Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа" мақоласини олайлик. Бир қараганда, мақолада асар фақат асосли, далиллар билан танқид қилингандек туюлади. Бироқ унда таҳқидчи бадиий асар қанақа бўлади, деган масалани қўяди. Сайёрнинг асари мисолида домла ўзининг адабиёт, бадиий асар ҳақидаги тушунчаларини, қарашларини ифодалаган. Устознинг бундай мақолалари, очиқ хатлари кўп, улар ўқувчига ҳам, ижодкорларга ҳам ўзига хос бир сабоқ, дейишимиз мумкин.

— Урушда домла снайпер-мерган бўлган, дейишади. Танқидчиликда ҳам у киши анча-мунча бадиий заиф асарларни нишонга олганини биламиз. Ана шундай чиқишларида устознинг масалага холис ёндашгани, бадиий заиф асарни холис танқид қилгани ҳақида фикрингизни билсам, деган эдим.

— Танқидий мақолаларида ҳам, ўша машҳур "очиқ хат"ларида ҳам домла, биринчи навбатда, ўқувчининг манфаатини ўйлаган. Лекин айрим ҳолларда чалғиган пайтлари ҳам бўлган. Буни очиқ айтишимиз керак. Масалан, Саида Зуннунованинг "Сўқмоқлар" асарига ёзган мақоласида буни кузатиш мумкин. Бу асар бадиий жиҳатдан юксак даражада бўлмаса-да, ҳаёт ҳақида, ўша давр камчиликлари ҳақида анча тўғри тасаввур берган эди. Табиийки, домла ҳам ўша давр мафкураси таъсирида, қолаверса, собиқ совет тузуми шарт-шароитидан келиб чиқиб, ўша давр камчиликларини тасвирлаб ёзувчи нотўғри йўл тутган деб ёзган. Суҳбатларимиздан бирида домла: "Мен кўпгина асарларни қаттиқ танқид қилганман. Шулар қатори бир асарни ҳам қаттиқ танқид остига олганман. Бу — адиба Саида Зуннунованинг "Сўқмоқлар" номли асари... Бу мақола замона зайли билан бўлган гап", деб тан олиб айтган. Бу аслида даврнинг камчилиги.

Энди, сиз айтгандек, домланинг адабиётдаги иллатларга снайперона ўт очгани фақат адабиёт манфаатига, китобхон манфаатига хизмат қилган. Гарчи домланинг бундай чиқишлари аччиқ бўлса-да, очиқ, ҳақ гаплар эди.

— Домланинг муаллимлик фаолияти ҳақида нима дейсиз. У кишининг маърузаларини тинглаганмисиз? Улар қандай таассурот қолдирган сизда?

— Афсуски, биз биринчи курсдалигимизда домла озроқ тўгарак машғулотларини ўтказиб, кейин университетдан ишдан бўшаб кетиб қолган. Шу боис, мен маърузаларини эшитмаганман. Бироқ, аминманки, домла адабиётни бадиий санъат сифатида ўргатган, кўпроқ бадиият сирларини талабаларга сингдиришга ҳаракат қилган. Чунки бир суҳбатимизда у киши: маърузаларим кейинчалик "Ҳаёт ва маҳорат" китобимга мақола бўлиб кирган, деган. Демак, дарс берганда ҳам домла бадиий асарни сўз санъати, бадиият қонунниятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилишни ўргатган.

— Матёқуб Қўшжоновнинг бадиий ижоди билан ҳам яхши танишсиз. Насрий асарларини қўлёзмалигидаёқ ўқиб чиққансиз, фикр-мулоҳазаларингизни айтгансиз. Улар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Домлага ҳавас қилса арзийди. Ҳамиша кулиб туради, чеҳраси очиқ, овозини баландлатиб гапирмайди. Лекин овозини кўтариб гапирмаса ҳам, барибир, қулоқ соласиз. Насрий асарларида ҳам ана шу босиқлик, мулоҳаза билан фикр юритиш — "етти ўлчаб бир кесиш" бор. Дастлабки "Тепки босилди" номли асарини ўқиб, мен ҳайрон қолганман: домла дуппа-дуруст ёзувчи экан! Уруш воқеаларини майда деталларигача жуда жонли тасвирлаб беради. Умуман, асарларида домла урушни ташқаридан кузатиб ёзган эмас, балки ичдан туриб ёритган. Матёқуб Қўшжоновнинг насрий асарларини синчиклаб ўқиган ҳар бир холис китобхон шундай фикрга келадики, бизнинг ўзбек адабиётимизда урушни бундай ҳалол, ҳаққоний тасвирлаган асар йўқ. Домланинг ҳужжатли-бадиий асарлари адабиётимиз, ҳужжатли прозамиз тарихида адабий ҳодиса, деб бемалол айта оламан.

— Домланинг илмий-ижодий бисотининг бугунги кунда мактабда, олий ўқув юртларида адабиёт фанини ўқитишдаги аҳамияти ҳақида нима дейсиз?

— Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, биз ўзимиз эришган яхши нарсаларимизни кўз-кўз қилавермаймиз, улардан доимо фойдаланавермаймиз. Бу бепарволикми ёки ўта камтарликми—билмадим. Масалан, адабиётдан қўлланмалар, дастурлар ёзганимизда ҳам энг яхши адабий-танқидий асарларни, мақолаларни ўқишга даъват этиб, уларнинг библиографиясини беришни унутиб қўямиз. Айтайлик, "Ўткан кунлар" ёки "Меҳробдан чаён" романлари ҳақидаги қўлланма ёки дастур охирида Матёқуб Қўшжоновнинг "Ўзбекнинг ўзлиги", "Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати" китоблари ушбу мавзуни чуқур ўзлаштиришда ёрдам беради, уни албатта топиб ўқинглар, деб ёзилса, фойдадан холи бўлмайди. Домланинг илмий-ижодий бисоти бутун бир аср ўзбек адабиёти ҳақида жуда кўп қимматли маълумотлар бериши билан ўқувчи-талабаларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам тайёр қўлланмадир.

— Бугунги ёш адабиётшуносларда сиз домла Қўшжоновнинг қайси фазилатларини кўришни истардингиз?

— Аввало, ҳар бир ижодкор—ёзувчи бўладими, адабиётшунос бўладими—ўзининг айтадиган гапи бўлиши керак. Айни пайтда устозлардан ўрганса, ибрат олса кам бўлмайди, албатта. Мен ёш адабиётшуносларда домланинг меҳнаткашлиги, изчиллиги, принципларидан чекинмаслиги, адабий ҳодисаларни ичдан ёритишга уринишни сингари фазилатларини кўришни истардим.

Аҳмад ОТАБОЕВ суҳбатлашди.

Суратда: адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов, адабиётшунос Маҳмуд Саъдий ва ёзувчи Шукур Холмирзаев. (дарвоқе, Шукур Холмирзаев Матёқуб Қўшжонов ҳақида ёзган «Бу кишим — устоз, мен — шогирд» номли эссе-қиссасини таҳририятга тақдим этди. Мазкур асарни келаётган йил бошидан газетада чоп этиб бориш режалаштирилган).

«Oyto'ldi» to'lgan oy demakdir. U - davlat ramzi. Bu yerda ham chuqur mantiq bor. Oy to'ladi, kamayadi («shom yeydi»), shu jihatlari bilan davlatga (boylikka) o'xshaydi.

Doston salkam ming yil oldin turkcha yozilgan, turkona aytilgan edi. Shu sababli u biz, Yusuf Xos Hojibning vorislari, uchun g'oyat qadrlidir.

ILK UYG'ONISH DAVRIDAGI TURKIY ADABIYOT

O'qituvchiga yordam

(Davomi. Boshi gazetaning 95-96-97-sonlarida)

Hali tilimizga arabcha, forscha so'zlar yopirilib kirgan emas. Kuntug'di - chiqqan kun, yangi kun demakdir. Bu so'zni siz eshitgansiz. Esingizda bo'lsa, xalq dostonlarining biri «Kuntug'mish» deb ataladi. Gap orasida «Rosa kuning tug'ibdi», «Sen uchun kun tuqqan ekanda» singari iboralar ishlatiladi. «Kuntug'di» dostonda **adolat**ni ifoda etadi. E'tibor qilaylik: adolat kun (quyosh)ga o'xshatilayapti. Hayotning manbai quyoshdir. U bo'lmasa, hayot bo'lmaganiday, adolat bo'lmasa, jamiyat ham yashay olmaydi. «Oyto'ldi» to'lgan oy demakdir. U - **davlat** ramzi. Bu yerda ham chuqur mantiq bor. Oy to'ladi, kamayadi («shom yeydi»), shu jihatlari bilan davlatga (boylikka) o'xshaydi: davlat kengayadi-torayadi, boylik ko'payadi-ozayadi. «O'gdulmish» ziyrak, oqil ma'nolarini bildirib, **aql** ramzidir. «O'zg'urmish» sabrli, qanoatli demakdir, **sabr-qanoat** ramzidir.

«Qutadg'u bilig»da bu timsollar turli mavqedagi shaxslar qiyofasida namoyon bo'ladi. Chunonchi, Kuntug'di - podsho, Oyto'ldi -vazir, O'gdulmish — vazirning o'g'li, O'zg'urmish — vazirning qarindoshi o'rnidadir.

Doston 73 bobdan iborat bo'lib, 6500 baytni tashkil etadi. Asar u xaqda ma'lumot beruvchi qisqa muqaddima bilan ochiladi. So'ng ollohga «hamd» (maqtov) va payg'ambarga «na't» qismlari keladi. Hukmdor Bug'raxon vasfiga maxsus bob bag'ishlangan. Undan keyin olamning qurilishi, bilim ta'rifi, til odobi haqida ham alohida-alohida boblar bor. So'ng muallifning o'z-o'ziga murojaati, ezgulik amallari, uquv-idrok foydalari, kitobga nom berilishi haqida so'z yuritilib, gap Elig (podsho) Kuntug'diga kelib taqaladi. Uning odil hukmdor sifatidagi ta'rif-tavsifi bilan 12-bobdan e'tiboran asar voqeasi boshlanadi.

Elig Kuntug'dining adolati haqidagi gaplar butun dunyoga taraladi. Har tomondan uning huzuriga odamlar kela boshlaydilar. Shular qatorida ko'p mashaqqatlar chekib Oyto'ldi nomli oqil va mard kishi ham keladi. Kuntug'di uni har tomonlama sinab ko'rib, adolati va sadoqatiga ishonch hosil qilgach, o'ziga vazir qilib oladi. Yurtda nizom va qoida ustuvor bo'lib, shu darajada adolat qaror topadiki, xazina oltinga to'lib, qo'zi bo'ri bilan yonma-yon omonlikda yashay boshlaydi. Lekin kunlardan bir kun Oyto'ldi xastalanib vafot etadi. O'limi oldidan o'g'li O'gdulmishga Kuntug'di xizmatiga borishini vasiyat qiladi. O'g'li ulg'ayib, kamolga etgach, podsho huzuriga borib, uning e'tibor va hurmatiga sazovor bo'ladi. Oyto'ldidan ham oqil va tadbirli chiqib, el-yurtni yashnatib yuboradi. Tabiiyki, el-yurt kengayib, ishlar ko'payib boraveradi.

O'gdulmishga munosib yordamchi izlash ehtiyoji paydo bo'ladi. O'gdulmish bunga eng munosib nomzod O'zg'urmish ekanligini aytadi. O'zg'urmishning ma'nosi «hushyor qiluvchi», «sergaklantiruvchi» degani. Uning zohid qiyofasida ko'rinishida shu ma'noga uyg'unlik bor. U behuda ishlar bilan band bo'lish, har xil mayda-chuyda orzu-havaslarga ovunib qolishdan ogohlantiradi. Mudrab borayotgan tuyg'ularni sergaklantiradi. Dunyoda faqat davlat yoki aql bilan bitirib bo'lmaydigan ishlar ham borligidan, inson ko'nglida nozik tuyg'ular mavjlanib turishidan xabar beradi, shu tuyg'ularga beparvo bo'lmaslikka undaydi, hushyorlikka chaqiradi. O'zg'urmish — qat'iy fikrli inson. U Eligning shaharga taklifini rad etadi. Garchi bu taklif uch marta takrorlansa-da, u fikrini o'zgartirmaydi. Faqat O'gdulmishning tushuntirishlaridan so'ng, ziyorat maqsadidagina Elig huzuriga boradi. Shunda ham u saroyda biror martabani qabul qilmaydi, faqat ularga o'gitlar beradi. Shu bilan kifoyalanib, yana o'z manziliga – tog' etagidagi g'orga qaytadi va shu yerda vafot etadi. O'zg'urmish nazarida:

Tilagan qulini siyasa xudo,
Unga dunyo emas, yo'l berar a'lo.

Shuning-chun yaxshimas bu dunyo quti–
Xudodan yiratar, udir din yuti.

Ko'ringanidek, asar voqeasi kishini jalb qiladigan darajada qiziqarli emas. Asosiy gap dostondagi to'rt personaj o'rtasida kechgan suhbatda. Bu suhbatlar haqida tasavvur hosil qilmoq uchun Oyto'ldi va Kuntug'mish o'rtasida kechgan ilk uchrashuvlardan birini ko'rib chiqaylik.

Kuntug'di bir kuni yolg'iz qolib, yoniga Oyto'ldini chaqirdi. Xonning qovog'i soliq, qo'lida pichoq, chap tomonida o'rog'un degan dori, o'ng tarafida bir kosa sharbat, uch oyoqli kumush kursida o'tiribdi. Xonaga kirgan Oyto'ldi podshoning avzoyini ko'rib qo'rqib ketadi. Kuntug'di darg'azabligi sababi Oyto'ldining ishlaridan qanoatlanmayotganidan ekanini aytadi. Uni o'z huzuriga chaqirishi odilona siyosat qarorgohini ko'rsatib qo'yish istagidan. Uch oyoqli kursi — rostlik, adolat timsoli. Uch oyoqli narsagina joyidan siljimaydi, qimirlamaydi. Agar bittasi siljisa, qolganlari turmaydi, yiqiladi. Xon qo'lidagi pichoq muammoni hal qilish ramzidir. Sharbat mazlum, dori zolim nasibasidir...

Yusuf Xos Hojib ilmning jamiyatdagi o'rniga yuksak baho beradi. Uni insonlar yo'lini yorituvchi mash'alga qiyoslaydi. Olimlarni haqiqat ustunlari deb biladi. Shoir farzand tarbiyasiga alohida diqqat qaratadi. Masalan, Oyto'ldi o'limi oldidan o'g'li O'zg'urmishga vasiyat qilar ekan, bolaga ilmu hunar o'rgatish va xushaxloq qilib tarbiyalash otaning burchi ekanligini, o'g'il-qizning xulq-atvori yaramas bo'lsa, buning uchun javobgar ota ekanligini alohida ta'kidlaydi. Umuman, bu masalalarga shu qadar keng o'rin berilganki, ular oddiy salomlashishning ma'no-mazmunidan mehmon kutishgacha, hatto uylanishgacha bo'lgan fikr-mulohazalarni qamrab oladi.

Asar Yusuf Xos Hojibning o'z zamonasi ilm-fanidan xabardor, katta bilim egasi bo'lganligidan dalolat beradi. Masalan: borliq haqida fikr yuritar ekan

Yaratti ko'r, avran tuchi evrulur,
Aning birla tezginch ema tezginur.

(*Yaratdi falakni doim aylanar,*
U birla bu charx ham tinmay tebranar)-

deb yozadi. Qizig'i shundaki, muallifning osmon yoritqichlari, jumladan 12 burj, 7 sayyora xaqidagi kuzatishlari ilmiy jihatdan bugun ham ahamiyatini yo'qotgan emas.

"Qutadg'u bilig"ni vatan, el-yurt madhiyasi deb atash ham mumkin. Zero, asar to'laligicha turkiy xalqlarning davlat tuzilishi, el-yurt farovonligini ta'minlashga qaratilgan omillarning badiiy tahlilidan iboratdir. Ana shu fikrlar bildirish jarayonida Yusuf Xos Hojib o'z vatanining tolmas oshig'i, o'z elining sadoqatli va fidokor farzandi sifatida namoyon bo'ladi. U asarda goh olam sirlaridan yaxshi xabardor mutafakkir, goh qadim moziy sarhadlariga nazari yetgan tarixchi, goh zamonasining turli sohalariga oid fanlardan puxta xabardor bo'lgan zukko olim va, tabiiyki, inson qobiliyatining turli-tuman manzaralarini inkishof etuvchi hassos shoir sifatida ko'rinadi.

O'n birinchi asrda xalq, el «budun», «bo'dun» atamalari bilan yuritilgan. Mamlakatning daxlsizligi, uning ravnaqi faqat budun bilanginadir. Shuning uchun ham:

Kimung davlati bash ko'tursa o'ru,
Qamug' ezgu qilg'u budunqa to'ru.

(Kimning davlati ziyoda bo'lsa, U xalqqa mutlaq ezgu siyosat yuritishi kerak). Xalqning qanday bo'lishi mamlakat boshlig'iga to'la bog'liqdir:

Begi ezgu bo'lsa budun barcha tuz,
Bo'lur qilqi ezgu, yo'riqlari uz.

(Agar begi ezgu bo'lsa, bo'lar xalq to'g'ri, Qiliqlari ezgu, yo'riqlari soz).

Alohida ta'kidlash joizki, qadimgi turklarda vatan tushunchasi shu vatanga mansub bo'lgan xalq bilan birgalikda tasavvur etilgan. Ushbu tushuncha «el» so'zi bilan ifodalandi. «El» so'zi mamlakat, o'lka, xalq, saltanat, yurt tushunchalarini ifodalaydi. Uning «kun» so'zi bilan birga kelishi «el-u xalq», «yurt», «vatan» tushunchalariga teng keladi:

O'zi etti, tuzdi, ko'r, el-kun ishi,
Taqi ma tilar erdi o'zrum kishi.

(El-u xalq ishini o'zi bildi va tuzdi, U yana sara kishilarni tilardi).

Yusuf Xos Hojib mamlakat mustaqilligini, vatan ozodligini el-yurt, xalq ozodligidan tashqarida ko'rmaydi:

Eki nang turur elka bag'i beki,
Biri — saqliqul, biri-to'ruel ko'ki.

(Ikki narsa el uchun mustahkam bog'(ich)dir, Biri - hushyorlik, biri - adolat, bular elning asosidir.)

Yusuf Xos Hojib nazarida Vatanga xizmat bu dastlab xalqqa, el-u yurtga xizmat qilishdir. Faqat shu yo'l bilangina Vatanning ozodligini, uning iqtisodiy, harbiy va siyosiy qudratini ta'minlash mumkin. Shu maqsadda adib XI asrdagi juda ko'plab ijtimoiy guruh va tabaqalarga tavsif beradi, ularning jamiyat va yurt oldidagi mas'uliyat va burchlariga alohida to'xtab o'tadi.

Yusuf Xos Hojib nazarida har bir shaxs jamiyatning og'irini yengillatishga urinmog'i kerak. Buning uchun esa har bir kishi o'z ishi bilan shug'ullanmog'i, halol, pokiza yashamog'i, o'zining tor shaxsiy manfaatlari doirasida biqinib qolmasdan el-yurt manfaatlarini ustun qo'ya oladigan darajaga ko'tarilmog'i shart. Buning yo'li o'qish, o'rganishdir:

Yula-ul uqush, ko'r, qarag'uka ko'z,
O'lug tanga jan-ul, ag'in tilqa so'z.

Uquv-idrok bir mash'aldir, ko'rgin, nobinoga ko'z.
O'lik tanlarga jon va lol tillarga so'z.

Uquv-idrok kishi ko'nglini boyitadi. Ko'ngli boy kishi esa himmat-muruvvatli, sofdil, odil bo'ladi. Aksincha, bilimsiz, uquv-idroksiz kishilarni tiriklar qatoriga qo'shish qiyin. Shuning uchun ham bilimga intilish, o'zini bilim bilan poklashga urinish chin insoniy fazilatdir.

Shoirning siyosiy qarashlari, xususan, bek va raiyat munosabatlari borasidagi fikrlari kishini hayratga soladi. Uningcha, bek o'zi boshqaradigan mamlakatning timsolidir. Shu sababli, u har jihatdan komil inson bo'lmog'i kerak. Jismoniy jihatdan ham, ma'naviy jihatdan ham, masalan o'rta bo'yli, ko'rkam, xush muomala va albatta, aqlli. Muallif, ayniqsa bekning chuqur bilimga ega bo'lishini shart qilib qo'yadi. Uni ideallashtiradi. Hatto «bek» so'zining o'zidan ham «bilim» ma'nosini qidiradi. Chunonchi:

Bek oti bilig bila bag'lig' turur,
Bilig lomi ketsa bek oti qolur.

Arab yozuvida «bilig» so'zidan o'rtadagi «L»(«lom») olib qo'yilsa, «beg» bo'lib qoladi. Shoir bekning bilimli bo'lishi lozimligini mana shu tarzda ifodalaydi. Shoir bular bilan ham cheklanmaydi. Uningcha, bek bo'lish uchun bular ham kifoya emas, u yuqorida ko'rsatilgan ko'plab fazilatlarga ega bo'lishidan tashqari zoti ham aslzoda bo'lishi kerak. Bu ham kifoya qilmaydi. U bek bo'lib tug'ilmog'i lozim. Adib insonlar ustidan hukm chiqaradigan kishining shu qadar noyob, salkam ilohiy bo'lmog'ini orzu qilgan edi.

Yusuf Xos Hojib bek va xalq munosabatlari haqida fikr yuritganda, o'z zamonasidan juda ilgarilab ketadi, ijtimoiy shartnoma masalasini o'rtaga qo'yadi. Jumladan, raiyat — xalq hukmdor oldiga uch shartni qo'yishga haqlidir: pulning kursini saqlash, adolatli siyosat yuritish, yo'llarni qaroqchilardan saqlash:

Birisi — elingda arig' tut kumush,
Iyarin ko'zazg'il, e bilgi o'qush.

(Biri — mamlakatda oltinning sofligini saqlash, nazorat qilib turishdir, ey dono kishi).

Taqi bir - buzunqa to'ru ber ko'ni,
Ko'tur bir ekidin kuchin ko'r, ani.

(Biri - xalqqa odil siyosat yurit, Jabr-zulmni o'rtadan ko'tar, ezgu yo'l tut).

Uchinchi - emin tut, qamug' yo'llarig',
Qarag'chig', sabarchig' aritg'il arig'.

(Uchinchi emin tut jami yo'llarni Qaroqchi va yo'lto'sarning qo'yma birini).

Ayni paytda, hukmdorning ham xalq oldiga qo'yadigan talablari bo'ladi. U ham xalqdan uch narsani talab qilishga xaqli: birinchidan, farmonlar, qonunlar aziz tutilishi va so'zsiz bajarilishi lozim:

Biri - yarlig'ingni ag'ir tutsalar.
Neku ersa terkin, ani qilsalar.

(Biri - yorlig'ingni aziz tutsalar. Nima bo'lsa, darhol uni qilsalar).

Ikkinchidan, soliqlar vaqtida to'lab turilishi kerak:

Ekinch - tizmasalar xazina haqi,
O'zinda tegursa, ey elchi aqi.

(Ikkinchi - xazina haqin tiymasa, Kezi kelgach, darhol uni to'lasa).

Uchinchidan, xalq hukmdorning do'stini do'st, dushmanini dushman bilishi kerak.

Uchunchi - yag'iqa yag'i bo'lsalar,
Sevaring kim ersa, ani sevsalar.

(Uchinchi - yovingning yovi bo'lsalar, Sevaring kim ersa, uni sevsalar).

Ijtimoiy shartnoma jamiyat osoyishtaligini, el-yurt ravnaqini ta'minlashda buyuk omil edi. Evropada bu masalalar XVIII asrda frantsuz Jan Jak Russo asarlarida o'rtaga qo'yilgan edi. Shu jihatdan, Yusuf Xos Hojibning jamiyat borasidagi bu fikrlari o'z davri uchun o'ziga xos inqilob edi. Shoir yashagan zamonni hech bir jihatdan osoyishta deyish mumkin emas edi. Quyidagi ishoralarga e'tibor qiling, muallif nimalarga diqqatni qaratadi?

Kichigda adab- yo'q, ulug'da bilig,
O'tunlar o'kush bo'ldi, yitti silig.

(Kichikda odob - yo'q, kattada bilim, Pastkashlar ko'paydi, ezgu yo'qoldi.)

Kishi barcha yarmoq quli bo'ldilar...

(Barcha odamlar pul quliga aylandilar)

Musulmon qarishti, ichin et eshur...

(Musulmonlar urushib, bir-birining etini g'ajimoqda).

Otaliq qilur, ko'r ataqa o'g'il,
O'g'ul bek bo'lib, ko'r, ata bo'ldi qul.

(Otaliq qilur, ko'r, otaga o'g'il **O'g'il bek bo'lib, ota bo'ldi qul).**

Ajun bo'ldi oxir, to'ru artadi...

(Dunyo oxir bo'ldi, tartib buzildi).

Bularni tuzatish, o'rniga qo'yish uchun ma'rifat kerak edi. Ma'rifatni yoymoq, jamiyat bag'riga singdirmoq uchun sharoit kerak edi. Sharoitning birinchi belgisi osoyishtalik, undan keyin esa, el-yurt ravnaqi, obodlik, farovonlik edi. Bek bilan raiyat (xalq) o'rtasidagi shartnoma osoyishtalik va el-yurt ravnaqini ta'min etmog'i lozim edi.

«Qutadg'u bilig» - badiiy asar. Uning badiiyligi asarning she'riy yo'lda, doston shaklida yozilganligidagina emas. Asar katta badiiy mahorat bilan yozilgani, unda teran fikr va g'oyalar yuksak san'atkorlik bilan ifoda etilgani uchun badiiydir. Shoirning doston muqaddimasida: «*Bu turkcha qo'shuqlar tuzattim senga. Hqurda unutma, duo qil menga*» deb yozgani bejiz emas. U chindan ham buyuk ajdodimizning inson qanday bo'lmog'i, qanday yashamog'i kerakligi haqidagi, turkona ideal turmush to'g'risidagi turkcha qo'shig'idir. Asar garchi tugal masnaviyda yozilgan bo'lsa-da, o'rni-o'rni bilan keladigan to'rtliklar, qasida, tuyuq, hatto muammo janriga xos unsurlar bu «qo'shiq»ning serohang ekanligini ko'rsatadi. Doston boshdan-oxirigacha ikki bir-birini inkor etuvchi ohang (motiv) asosiga qurilgan. Bu yaxshilik («ezgu») va yomonlik («esiz»)dir. «Ezgu» inson uchun ziynatdir. «Esiz» illatdir.

Shoir so'z tanlashga alohida e'tibor qiladi. Har bir so'zning ma'no va ohang tovushlarini nozik his etadi. Eng muhimi, kam so'z bilan ko'p ma'no ifodalashga harakat qiladi:

O'gush so'zlama so'z, biror so'zla oz,
Tuman so'z tugunin bu bir so'zda yoz.

(So'zni ko'p so'zlama, biroz so'zla oz, Minglab so'z tugunini shu bir so'zda yoz).

Asarda badiiy ifoda etakchi o'rin egallaydi. Muallif aniq, yorqin o'xshatishlar orqali ta'sirchan manzaralar yaratish, fikrni jozibali ifodalashga harakat qiladi.

Bo'dum erdi o'qteg, ko'ngul erdi ya,
Ko'ngul qilg'u o'qteg, bo'dum bo'ldi ya

(Qaddim o'qdek edi, ko'nglim esa yoy, Ko'ngulni o'qdek qilguncha, qaddim bo'ldi yoy).

satrlarida umrning o'tkinchiligi, hayotning mashaqqatlarga to'laligi, dunyoning armonli dunyo ekanligi yorqin manzaralarda aks etmoqda. Qadning turli munosabat bilan o'q va yoyga o'xshatilishi Xos Hojibdan so'ng mumtoz adabiyotimizda an'anaga aylandi. Ko'ngil esa ungacha ham, undan keyin ham na o'qqa va na yoyga o'xshatildiki, bu shoirning yuksak iqtidoridan dalolatdir.

«Qutadg'u bilig»ning «Kirish» qismida bahor madhiga bag'ishlangan maxsus bob mavjud. U shunday boshlanadi:

Tug'ardin esa keldi o'ngdun eli,
Ajun etguka achti ujmah yo'li.

(Chiqishdan erta ko'klam shamoli esa boshladi, Olamni bezashchun jannat yo'lin ochdi.)

Yusuf Xos Hojib bahor tasviriga alohida e'tibor beradi. Avval erdagi daraxtlarning gullashi, o't-o'lanlarning ko'karib chiqishi, ularning xilma-xilligi, bu faslga xos bo'lgan go'zallik, latofat tasvirlanadi. So'ng havo va osmondagi o'zgarishlarga o'tiladi. Bunda atirgulning muattar hididan boshlab, tiniq ko'kda shodon o'ynayotgan qushlargacha qalamga olinadi. Tasvirlarda adibning nozik kuzatishlari, hassos va sezgir qalbi ko'rinib turadi:

Qoz, oqqush-u, o'rdak havoda shodon,
O'yinga berildi quvonib chunon.

Ko'kish turna ko'kda navosin cholar,
Tuya karvonidek tizilar, chopar.

Birovi qo'nar, ko'r, birovi uchar,
Birovi chopar, ko'r, biri suv ichar.

Yusuf Xos Hojib tasvirida qushlar ham o'quvchi ko'z oldida yaqqol keladi: «*Uchar qush kukular o'z eshi tomon, Go'zal qiz oshig'in chorlagansimon*». Yoki adib tasvirlagan kaklikning og'zi va qoshigacha aniq: «*Qo'shiq aytdi kaklik go'zal tog' ora, Qizil og'zi qondek, qoshi qop-qora*". Qora zog' hamda bulbul eslatilgan o'rinlarda ham tasvirdagi takrorlanmas o'ziga xoslik ko'zga tashlanadi. Bu misralarda adib o'xshatish, sifatlash, jonlantirishlardan unumli foydalangan. Parchada tazod ham faol ishtirok etadi:

Qovoq solib osmon ko'zi yosh sochar,
Chechak-maysa quvnoq kulib yuz ochar.

Bu erda qovoq solish, ko'zdan yosh sochish quvnoqlik va kulib yuz ochishga ziddir. Aslida bu erda yana bir yashirin qarshilantirish ham bor. U osmon-er zidligidir. Faqat bu o'rinda er tushunchasini «chechak-maysa» anglatmoqda.

Shoir Bug'roxon madhiga o'tishdan oldin tabiatni bor go'zalligi, chiroyi, tarovati bilan aks ettiradi. Uning eng nafis, ayni paytda, dilkash tomonlariga diqqatini qaratadi. Ularning ko'tarinki ruhdagi tasviri Bug'roxon shaxsiyatini ta'riflashga bo'ysundiriladi. Ularda shoirning o'zini qurshab turgan turli narsa-hodisalarni kuzatish qobiliyati, o'tkir zehni va ziyrakligi o'z aksini topgan. Bahor haqidagi ko'tarinki misralar Bug'roxon madhiga zamin tayyorlagan. Keyingi misralarda Bug'roxon ezgu va adolatli shaxs sifatida sharaflanadi. Uning ko'plab ijobiy fazilatlari sanab o'tiladi. Biroq bular Bug'roxonning tarixiy— aniq shaxs sifatida emas, adabiy qahramon sifatidagi tasviridir. Maqtov manbaidagi turli ijobiy xislatlarni bo'rttirib tasvirlash qadimgi turkiy yodnomalarda: Kultegin, To'nyuquq, Bilga xoqon bitiktoshlarida, shuningdek, «Devonu lug'otit turk»da ham asosiy o'rin tutadi.

Asarda Bug'roxonning xislatlari bilvosita - tabiiy hodisalar orqali tasvirlanadi. hatto momaqaldiroq guldurashi va yashin chaqnashi ham u haqidagi muayyan fazilatlar (qudrat va buyuklik) alomati kabi yangraydi. So'ng bevosita tasvirga o'tiladi:

Olam tutdi Tavg'ach ulug' Bug'roxon,
Ato bo'lsin unga bu ikki jahon.

So'ng uning dunyo jamoli, sharafga chiroy, baxtga tayanch, qorong'u kechaga oy, baxt va taxt egasi ekanligi tilga olinadi. Bug'roxonni qurshab turgan olam ham uning madhi bilan band. Buning sababi shoir talqinida quyidagicha:

Olam osoyish-u siyosat odil –
Xoqonning nomi ham o'sar muttasil.
Jafosiz, vafoli kishi istasang,
Yuziga boqa ko'r—vafo birla shan.

Bug'roxon fazilatlarga boy kishi. Shuning uchun ham ezgu niyatli kishilar uning atrofidan ketmaydi. Shoirning ham bu erda bo'lishi tasodifiy emas:

Senga tuhfa garchi talaydir, Elig,
Meningdin qabul qil «Qutadg'u bilig».
Ular tuhfasi, bil, kelar ham borar,
«Qutadg'u bilig»-chi, u mangu qolar.

Demak, bahor tasviri shoir uchun qalb to'lqinlarini, tabiat manzaralari tufayli hosil bo'ladigan tuyg'ular to'lqinini aks ettirishga imkon bo'lib qolmasdan, ayni paytda, yanada jiddiyroq voqealarni tasvirga tortish vositasi hamdir. Tabiat tasviri ostida inson ruhiyatidagi nozik o'zgarishlar, qalb kechinmalari, hatto yirik ijtimoiy hodisalarga beriladigan baho yashiringandir.

«Qutadg'u bilig»da ilgari surilgan g'oya va fikrlar hanuzgacha o'z ahamiyatini saqlab keladi. Chunki u insonlik haqida, uning insondek yashamog'i haqida edi. Inson bor ekan, bu fikrlarga ehtiyoj bo'ladi. Doston salkam ming yil oldin turkcha yozilgan, turkona aytilgan edi. Shu sababli u biz, Yusuf Xos Hojibning vorislari, uchun g'oyat qadrlidir.

Savol va topshiriqlar.

1. Yusuf Xos Hojib yashagan davr haqida so'zlab bering. Turkiy tilning X-XII asrdagi ravnaqi sabablarini izohlang.
2. «Qutadg'u bilig» nima uchun didaktik doston ekanini tushuntiring.
3. Asarning asosiy ishtirokchilari nomlarini izohlang. Shoirning ular orqali aytmoqchi bo'lgan g'oya va fikrlarini belgilang.
4. Shoirning adolat xaqidagi qarashlari nega aynan Kuntug'di timsoli orqali berilganini izohlang.
5. Kuntug'di va Oyto'ldi suhbatidagi uch oyoqli kursi tafsil (detal)ini sharhlay olasizmi?
6. Dostondagi: «***Bek oti bilim bila bag'lig' turur, Bilig lomi ketsa bek oti qolur***» satrlarini qanday tushunasiz?
7. Bekning raiyat oldiga qo'ygan talablarini izohlang.
8. Xalqning bekdan talab qilishga haqli bo'lgan narsalarini sanang. Adibning ijtimoiy shartnoma haqidagi qarashlarini sharhlang.
9. Dostondagi zamondan shikoyat ohanglarini qanday izohlaysiz?
10. Dostonning badiiy xususiyatlari haqida nimalar deya olasiz?
11. «Qutadg'u bilig» - ilk badiiy doston» mavzusida insho yozishga tayyorlaning.

"O'rmonga o't ketsa ho'lu quruq barobar yonadi" deb bejiz aytilmagan. Yong'in hech narsani va hech kimni ayamaydi.

Mustaqillikning dastlabki yillarida 50 dan ortiq xorijiy mamlakatdan talabalar Respublikamiz oliy o'quv yurtlarida tahsil oldi.

МОСКВАДА ПОРТЛАШ

Москвадаги "Национал" меҳмонхонасида портлаш юз берди. Воқеа содир бўлган жойнинг ўзида 4 нафар киши ҳалок бўлди. Яна бир киши касалхонада вафот этди.

Ҳозирда махсус ходимлар портлаш оқибатларини ўрганмоқда. Лекин "Интерфакс" бу воқеани яна бир террорчилик хуружи, дея хабар тарқатди. Бу хабарни Москва ҳокими Юрий Лужков ҳам маъқуллади. Вафот этганларнинг аксарияти меҳмонхона олдидан ўтиб кетаётганлар эди. Портлашдан бир неча соат кейин ископич ит меҳмонхонага ташлаб кетилган шубҳали дипломатни пайқаб қолган. Ҳозирда дипломатни махсус текширувчи роботлар ўрганмоқда. Меҳмонхонада яшаётган ҳамма сайёҳлар бошқа меҳмонхоналарга кўчирилди. НТВ телеканалининг хабар беришича, портлашни камикадзе аёл амалга оширган. Бошқа хабарларга қараганда, камикадзе аёллар икки киши бўлган.

Портлаган модда кўплаб темир чиқиндилари ва михлар билан тўлдирилганлиги аниқланди. Меҳмонхона раҳбариятининг тарқатган маълумотига қараганда, зарар у қадар кучли бўлмаган. Аммо биринчи ва иккинчи қаватларнинг ойналари синиб тушган. Бу ҳақда "Интерфакс" ахборот агентлиги хабар берди.

ИРОҚДАН ХАБАРЛАР

Ироқнинг шимолида 31 нафар АҚШ ҳарбийси автоуловга яширилган модда портлаши натижасида оғир тан жароҳатлари олишган. Портловчи модда билан тўлдирилган автоулов Ироқнинг Мосул шаҳри яқинидаги АҚШ ҳарбий базаси ёнида қолдириб кетилган.

АҚШ зобитлари автоуловни пайқаб қолишган ва ўрганиш учун кетаётганларида кучли портлаш юзага келган. Шунга ўхшаган кўплаб автоуловлар зобитлар назаридан четда қолмаяпти ва зарарсизлантирилаяпти. Аммо портловчи моддалар билан тўлдирилган автоуловларни ҳамиша зарарлантириш имконияти йўқ, деб таъкидлайди АҚШлик Трей Кейт. Бу ҳақда "Newsru" интернет сайти хабар берди.

БМТНИНГ ТАДҚИҚОТИ

БМТ ўзининг янги тадқиқот маърузасини чоп этди. Унда кўра, 300 йилдан сўнг дунё аҳолисининг қай тарзда кўпайиши ва аҳолининг ўртача ёши ҳақида ахборотлар ўрин олган. Маърузада ёзилишича, агарда дунё аҳолиси шу тарзда ўсадиган бўлса, 2300 йилга бориб аҳоли 134 триллион кишини ташкил этиши мумкин. Инсонларнинг ўртача ёши эса 50 ларни ташкил этади. Аммо бу рақамлар билан ҳозирча жуда аниқ шундай бўлади, дея хулоса чиқармаслик керак. Чунки инсон ҳаёти ва фаолияти давомида табиий офатлар, урушлар натижалари ўз аксини кўрсатиши мумкин. Ушбу рақамларда кўрсатилган аҳолининг тўртдан бири Африка, Ҳиндистон, Хитой, Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилади, деб хабар беради "BBC" интернет сайти.

АҚШДА ЯНГИ СНАЙПЕР

АҚШнинг Огайо штати полиция маҳкамаси шосседа ўтадиган автоуловларни пинҳона ўққа тутаётганларни қидирмоқда. Бир неча ойлар АҚШнинг бошқа штатларида ҳам шунга ўхшаган снайперлар қўлга олинган эди. Ўн икки хилдаги ушбу ҳолатлар бўйича жиноий иш очилди. Бир неча кунлар олдин ана шундай пинҳона ўқ узиш натижасида катта ёшдаги аёл оғир яраланди ва "Тез ёрдам" келгунча дунёдан кўз юмди.



Шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда снайпер автоуловларнинг ойнасига ўқ узган. Бундан ташқари снайпер яқин атрофдаги мактабларнинг бири ёнига жойлашиб олиб, ўқувчилар дарсда ўтирган пайти ўқ узишни бошлаган. Фақатгина бахтли тасодиф болаларни қутқариб қолди. Ҳозирга қадар штат аҳолисининг 500 дан ортиқ фуқароси полиция томонидан сўроққа тутилган ва жиноятчини топишга кўмак берган шахсга 10.000 АҚШ доллари миқдорида мукофот берилиши айтилмоқда, дея хабар беради "BBC" ахборот агентлигининг интернет сайти.

ФРАНЦИЯДА СУВ ТОШҚИНИ

Франциянинг Марсель шаҳри ва унинг ён-атрофидаги ерлар табиий офат ҳудуди деб эълон қилинди. Охирги маълумотларга қараганда, бу ерда 5 киши ҳалок бўлган ва 15.000 киши хавфсиз жойларга кўчирилган. Кучли сув тошқини давом этаётган бир пайтда воқеа жойига Франция президенти Жак Ширак етиб келди.

Табиий офат натижасида кўплаб уйлар, кўчалар сув остида қолган. Ҳар хил қурилма ва биноларга кучли шикаст етган. Тараскон шаҳарчасидаги хонадонлар 10 метр чуқурликда сув остида қолган. Шаҳарлараро телефон алоқаси узилган. Йўлларни эса сув ювиб кетган. Об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларича, бундай сув тошқини Франция тарихида 50 йилдан бери бўлмаган. Жак Ширак воқеа жойида қутқарув ишларини олиб бораётган мутахассисларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

ПЕНТАГОН РАҲБАРИ АФҒОНИСТОНДА БЎЛИБ ҚАЙТДИ

Сафардан асосий мақсад, Афғонистондаги ҳарбий ҳолатни кузатиш ва афғон раҳбари Ҳамид Карзай билан музокаралар олиб бориш эди. Шунингдек, Пентагон раҳбари икки ҳарбий қўмондон — Абдулрашид Дўстум ва Муҳаммад ота билан учрашган.

Ташриф чоғида яна кўпгина бошқа масалалар кўриб чиқилган. Шу ўринда БМТнинг Афғонистон шимолидаги вакили Мишель Липпнер мамлакатда НАТО тинчликсевар кучларини кўпайтириш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Интернет хабарлари асосида
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Umid nihollari

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ЎТДИ

Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари 1-4-синфлар ўртасида ўтиши юзасидан Пойариқ, Сиёб, Иштихон, Булунғур ва Окдарё туманлари мактаб ўқувчилари орасида II босқич якуний натижалари билан таништириб ўтган эдик.

II босқич мусобақалари якуни бўйича Жомбой туманида минтақавий мусобақаларда ғолиб 46, 26, 36, 15, 5 ва 6-мактаблар 46-мактаб спорт базасида финал мусобақаларида иштирок этдилар. Енгил атлетика, "Тўп сардорга" бўйича 15-мактаб, мини футбол бўйича 26-мактаб, шахматда 5-мактаб ва шашка бўйича 46-мактаб ўқувчилари ғолиб бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида 15-мактаб жамоаси туман ғолиби бўлдилар.

Каттақўрғон шаҳридаги мактаблар тўрт гуруҳга бўлиниб саралаш ўйинларида иштирок этдилар. Ўз гуруҳларида ғолибликни қўлга киритган мактаблар финал босқичида иштирок этдилар. Умумкоманда ҳисобида 2,11,13-мактаблар ғолиб ва совринли ўринларни эгалладилар.

Самарқанд туманида ҳам II босқич мусобақалари саралаш ва финал ўйинлари қизғин ва кескин курашлар остида ўтди.

Мусобақалар якунига кўра 22-мактаб биринчи ўринни, 49-мактаб иккинчи ўринни, 20-мактаб ўқувчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Темирйўл тумани умумтаълим мактаблари ўртасида мусобақалар тўрт худудга бўлиниб ўтказилди.

Финал босқичи якунига кўра югуриш бўйича болалар ўртасида 1-ўрин 42-мактаб ўқувчиси Н.Абдухамидовга, қизлар ўртасида эса шу мактаб ўқувчиси Ф.Сулаймоновага насиб этди. Узунликка сакраш бўйича эса ўғил болалар ўртасида 63-мактаб ўқувчиси П.Салимов, қизлар ўртасида 42-мактабдан Ф.Сулаймонова, тўп улоқтириш бўйича 64-мактаб жамоаси ғолиб чиқишди. Ҳаракатли ўйинларда ўғил болалар ўртасида 1-ўрин 42-мактаб жамоасига, қизлар ўртасида ҳам мазкур мактабга насиб этди.

Қатнашган 88 нафар ўқувчи фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Пахтачи туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари 1-4-синф ўқувчилари ўртасида ҳам "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда 470 нафар ўқувчи II-босқич ғолиблиги учун беллашдилар. Беллашувлар туман марказдаги 21, 22, 24-мактаблар спорт иншоотларида ва марказий ўйингохда ўтказилди. Енгил атлетика, "Тўп сардорга" мусобақасида 22-мактаб; мини футбол бўйича 21-мактаб; шахмат бўйича 31-мактаб ва шашка бўйича 1-мактаблар ўқувчилари ғолиб бўлдилар. Умумкоманда ҳисобида 22-мактаб ўқувчилари туман ғолиблигини қўлга киритдилар.

Боғишамол туманида ҳам финал босқичи ўйинлари қизғин баҳслар остида кечиб, умумжамоа ҳисобида 24-мактаб жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ушбу мактаб жамоаси енгил атлетика ва "Тўп сардорга" мусобақасида, шахмат-шашка бўйича 17-мактаб, мини футбол мусобақасида 16-мактаб жамоалари ғолиб бўлдилар.

Каттақўрғон туманида ўтказилган мусобақаларда енгил атлетика, "Тўп сардорга" бўйича 2-мактаб; мини футболда 41-мактаб; шахматда 32-мактаб, шашкада 65-мактаб ғолиблиқни қўлга киритди. Мусобақалар якунига кўра умумкоманда ҳисобида 2-мактаб ғолиб бўлди.

Қўшробот туманида ҳам мусобақалар Низом асосида байрамона тарзда ўтказилиб, спорт турлари бўйича 62, 82, 12 ва 40-мактаблар юқори поғонага кўтарилдилар. 62-мактаб жамоаси туман финал босқичи ғолиби бўлди.

Нарпай тумани мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 33, 5, 55, икки бор 14-мактаб жамоалари юқори поғонага кўтарилдилар. Финал босқичи ғолиблигини 14-мактаб қўлга киритди.

Пастдарғом туманида ҳам мусобақалар кескин ва қизқарли кечиб, 39-мактаб ўқувчилари юқори поғонага кўтарилдилар.

Тайлоқ туманида ўтказилган мусобақаларда енгил атлетика бўйича 1-мактаб, минифутбол мусобақасида 21-мактаб, "Тўп сардорга" 30-мактаб, шахматдан 41-мактаб, шашкадан 45-мактаблар жамоалари ғолиб чиқдилар. Умумкоманда ҳисобида 41-мактаб юқорига кўтарилди.

Нуробод тумани халқ таълими бўлими томонидан ҳудудий ва финал мусобақаларини юқори савияда ўтказиш чора-тадбирлари белгиланиб, байрамона тарзда ўтказилди.

Ўтказилган мусобақалар якунига кўра 4-мактаб жамоаси енгил атлетика, "Тўп сардорга", шахмат мусобақаларида ғолиб бўлиш билан бирга умумкоманда ҳисобида ҳам ғолиб чиқдилар.

Мини футбол бўйича 1-мактаб, шашка мусобақасида 3-мактаб ўқувчилари юқорига кўтарилди.

Уругут туманида "Тўп сардорга", шахмат-шашка мусобақаларида 93-мактаб ўқувчилари, енгил атлетика ва мини футбол бўйича 1-мактаб ғолиб чикди. Умумкоманда ҳисобида 93-мактаб туман ғолиби бўлди.

Барча жамоаларда ўтказилган мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларига туман ҳокимлиги ва туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман халқ таълими бўлимлари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, "Маърифатпарварлар" жамияти ва ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо эсталик совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

Энди ҳозирги кунда вилоятнинг барча умумий ўрта таълим мактабларида 5-7-синф ҳамда 8-11-синфлари ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" мусобақалари қизғин паллага кириб бормоқда.

ЛИЦЕЙДА АРМРЕСТЛИНГ МУСОБАҚАСИ

Республика ҳарбий лицейида армрестлинг бўйича лицей ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида ажойиб мусобақа бўлиб ўтди. Ажойиб деганимизнинг сабаби бор. Чунки ушбу мусобақада илм даргоҳининг олти нафар аёл муаллимаси ҳам иштирок этди.

Дастлаб Ўзбекистон республикаси армрестлинг федерацияси вице-президенти профессор Фитрат Каримов сўзга чиқиб, армрестлинг спортнинг энг ёш ва республикамизда унча оммалашмаган тури эканлигини, ушбу спортни юртимизда ҳам оммалаштириш учун саъй-ҳаракатлар бошланганлигини айтиб ўтди.

Сўнгра армрестлинг бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медаль соҳиби Фарид Усмонов, жаҳон чемпионати иштирокчилари Авазбек Асадов, Фарҳод Худоёровлар армрестлинг мусобақасининг қонун-қоидалари билан иштирокчиларни яна бир бор таништирдилар.

Мусобақа бошланди. Унга армрестлинг бўйича спорт устаси, Жамолиддин Норов ҳакамлик қилди.

Мусобақа столи олдига 60 кг.гача бўлган иштирокчилар келишди. Сўнгра 70, 80 ва ундан юқори вазнга эга бўлган ўқувчилар ўз кучларини синаб кўришди.

Аёл муаллималар ўртасида бўлиб ўтган беллашувларда лицейнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Зиёда Абдувоитова биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, 60 кг.гача бўлган ўқувчилар ўртасида Дилшод Акбаров, 70 кг.гача бўлган вазн тоифасида Фозил Бахтиев, 80 кг.гача бўлганлар орасида Борийхон Собиров, 80 кг.дан юқори вазнга эга бўлган иштирокчилар ўртасида Элбек Эргашевлар биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

Эркак ўқитувчилар ўртасида ўтган беллашув ҳаммасидан ҳам қизиқарли бўлди, дейиш мумкин. Унда А.Назаров, Х.Ҳасанов, У.Юсуповлар финалгача етиб келишди.

Лицейнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Умарали Юсупов ўқитувчилар ўртасида ўтган мусобақада биринчиликни қўлга киритди, шунингдек, у лицейнинг мутлақ чемпиони номига сазовор бўлди.

Кўтаринки руҳда ўтган мусобақалардан сўнг ғолиблар тақдирланди.

Мусобақа якунида ушбу лицейга Армрестлинг федерациясининг президенти, Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев номидан иккита армрестлинг ўтказиш мосламаси совға қилинди.

МУХБИРИМИЗ

«ҚУВНОҚ СТАРТЛАР»

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби спорт залида вилоят телевизион "Қувноқ стартлар" минтақавий мусобақасининг учинчи гуруҳида ўйинлар бўлиб ўтди.

Мусобақада Самарқанд туманидаги 8-мактабнинг "Хушёр" ва Ургут туманининг 65-мактаб "Орзу" жамоаси вилоят финал босқичига чиқиш учун кураш олиб боришди.

Ўйинда икки жамоа учрашуви дастлабки ўйинданоқ кескин тус олди. "Орзу" жамоаси эстафета ўйинларига пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этишиб "Ўзингни кўрсат", "Жуфт бўлиб тўп ўзатиш", "Қирқ тош", "Арқон тортиш", "Моҳир футболчилар" ўйинларида ғалаба қозонишиб, беллашув якунида 23:15 ҳисобида ғалаба қозониб, вилоятда учинчи жамоа навбатдаги босқич ўйинига йўлланма олди.

"Орзу" жамоасини мусобақага ҳозирлик кўришларида мактаб раҳбари Д. Обилов ва жисмоний тарбия ўқитувчилари С.Норбоев, Б.Хакимовларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

Ogohlik

ЁНҒИН ҲЕЧ НАРСАНИ, ҲЕЧ КИМНИ АЯМАЙДИ

Мана қиш фасли ҳам кириб келди. Ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариши корхона, муассаса, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини оширишни талаб қилади. Шу боис Ҳамза тумани ёнғин хавфсизлиги ходимлари кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишлари бўйича туман ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда ХТБга, ТССБга қарашли муассасаларда назорат текширувини ўтказдилар.

Текширувлар натижасида ижобий ишлар билан биргаликда, камчиликлар ҳам мавжуд эканлиги аниқланди.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойига назар ташласак, туманда ёнғинлар сони ошган, яъни 2002 йилда 167 та ёнғин содир бўлган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 176 тани ташкил этди. Ушбу ёнғинларда жароҳатланган фуқаролар сони 2002 йилда 4 нафар бўлса, 2003 йилда 6 нафарга етган.

Ёнғинларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилганимизда — носоз электр иситиш анжомларидан фойдаланиш 2002 йилда 4 та, 2003 йилда 7 та, газ анжомларидан нотўғри фойдаланиш 2002 йилда 7 та, 2003 йилда 9 та, сигарет чекиш 2002 йилда 82 та, 2003 йилда 89 та ҳолатни келтириб чиқарган.

Фуқароларнинг шахсий уйларидан 37 та, кўп қаватли уйларда 45 та ёнғин содир бўлган. Ушбу ёнғинлар натижасида давлатимизга ва фуқароларга 927.000 сўм моддий зарар етган.

Ёнғинлар моддий зарар етказиш билан биргаликда инсонлар саломатлигига ҳам хавф туғдиради.

Газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда улардан хоналарни иситиш мақсадида (газ плиталарни, духовкаларни ёқиб қўйиш, назоратсиз қолдириш) фойдаланиш, тутун йўлларининг носозлиги, мўриларнинг тозаланмаслиги оқибатида келиб чиқаётган ёнғинларнинг сони сезиларли даражада ортган. Энг ачинарли томони шундаки, мазкур ёнғинларнинг олдини олиш кўп нарсани талаб қилмас эди. Бор-йўғи озгина бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик бундай ҳолларга сабаб бўлган.

Газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва ёнғинлар сабабини ўрганиш вақтида кўп қаватли уйларда аксарият ҳолларда газ плитасидан хонадонларни иситиш мақсадида фойдаланилаётганлиги маълум бўлди. Аҳоли бунинг сабабини эса иситиш тармоқлари ишламаслиги, шу боисдан газ плитасини ёқиб қўйиб уйларни иситишга тўғри келаётганлигида, деб изоҳлади. Бу ҳолатлар ёнғин келтириб чиқармайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди.

Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарорларни бажариш ва газдан ноқонуний равишда фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш бўйича туманда прокуратура, газ таъминоти ходимлари ва ИИБ профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда тузилган гуруҳлар томонидан аҳоли турар жойларида, ошхоналар, иссиқхоналарда тезкор текширувлар ўтказилди. Ушбу тешкирувларнинг натижалари шуни кўрсатяптики, кўпгина фуқаролар, ошхона, нонвойхона эгалари газ тармоғига резина шланг орқали улаб иш фаолиятини олиб боряпти. Албатта, барча айбдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилаяпти. Улар агар ёнғин содир бўлса, ўзларининг йиллаб тўплаган мол-мулки куйиб кулга айланишини ўйлашмаяпти.

"Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар ёнади" деб бежиз айтилмаган. Ёнғин ҳеч нарсани ва ҳеч кимни аямайди.

Ҳозирги куннинг муаммоларидан яна бири бу дарахт баргларини, қуриган ўт, шох-шаббаларни ёқиб юборишдир. Ушбу ҳолат бўйича ҳам ёнғинлар сони ошиб бормоқда, яъни ушбу йилнинг сентябр, октябр ва ноябр ойларида туман ҳудудида 15 та ёнғин содир бўлган, жумладан, 58-ҳарбийлар шаҳарчаси 72-уй орқасида кесилган шох-шаббалар 15 м², Лисунова 1-даҳаси 14-уй олдида тўпланиб қолган маиший чиқиндилар 9 м² майдонда ёнган, 58-ҳарбийлар шаҳарчасида 14-уй 1-хонадонда ҳаммомдаги газ колонкаси қизиб кетиш натижасида уйнинг тахтали қурилмалари ёнган.

Ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар-жойларида содир бўлаётганлиги ёнғин хавфсизлиги хизмати билан бирга ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фаоллари, фуқароларга масъулият юклайди. Ёнғинлар таҳлили эса, хизмат ходимлари билан бирга даҳлдор идоралар, газ таъминоти, электр тармоқлари, ёнғинга қарши кураш жамияти ходимларининг ҳамкорликдаги фаолият тизимига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаши ёнғинларнинг содир бўлиши, мулк талофати, инсонлар жароҳатланишларининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир ташкилот, муассаса, корхона мутасаддилари, барча фуқаролар бирдай масъулдир.

Ф.РАҲИМБОЕВ,
Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички ишлар подполковниги

ГЕРМАНИЯГА БОРАДИГАН ЙЎЛ

Мамлакатимиз ёшлар терма жамоаси БААда бўлиб ўтаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида рақибларига муносиб тарзда қаршилик кўрсатишиб, енгилган бўлишса-да, бундан футбол мухлислари қаттиқ ранжимади. Улар юртимизга қайтаётган чоғда эса, футболимиз учун яна бир воқелик юзага келди. Яъни, Германиянинг Франкфурт шаҳрида навбатдаги жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш мароси ўтказилиб, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг "ЖЧ-2006" йўлидаги рақибларини аниқлаб берди. Қуръа натижаларига кўра, Осиё Футбол Конфедерацияси (ОФК)га аъзо 32 терма жамоа иккинчи босқичда "ЖЧ-2006" сари 8 та гуруҳда кураш олиб борадиган бўлди. Гуруҳларнинг ғолиблари учинчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади. Ҳал қилувчи бу босқичдаги ўйинлар ҳар бирида 4 тадан жамоа бўлган иккита гуруҳда ўтказилади. Гуруҳларнинг 1 ва 2-ўрин соҳиблари ЖЧ-2006 финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритсалар, 3-ўринни олган жамоалар ўзаро баҳслашиб, ғолиб бўлган жамоа КОНКАКАФ (Шимолий ва Марказий Америка) вакили билан учрашув ўтказади.

Жадвал эса қуйидагича:

1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ
Эрон Қатар Иордания Лаос	Ўзбекистон Ироқ Фаластин Хитой Тайпейи	Япония Оман Ҳиндистон Сингапур
4-гуруҳ	**5-гуруҳ**	**6-гуруҳ**
Хитой Қувайт Малайзия Гонконг	БАА Таиланд Яман КХДР	Баҳрайн Сурия Қирғизистон Тожикистон

7-гуруҳ	8-гуруҳ
Жанубий Корея Ливан Вьетнам Мальдив ороллари	Саудия Арабистони Индонезия Туркманистон Шри-Ланка

Шер АЛИ

ҲАМКОРЛИК – МУВАФФАҚИЯТ КЎМАКЧИСИ

Таълимда халқаро ҳамкорлик, чет эл таълим ташкилотлари ва жамғармалари билан ўзаро алоқа жараёни кучайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда юртимиз олий ўқув даргоҳлари АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Япония, Италия, Бельгия, Хитой сингари кўплаб хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим муассасалари билан илмий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Бу ўринда АҚШнинг Вашингтон, Оячита, Бейлоров, Туркиянинг Измир, Отауорн, Жанубий Кореянинг Саган, Пхеньян университетлари билан тузилган ва бошқа кўпгина шартномаларни эслатиб ўтиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 50 дан ортиқ хорижий мамлакатдан талабалар Республикамиз олий ўқув юртларида таҳсил олди.

Хорижий университетлар, ўқув марказлари, концернлар, фирмалар билан кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича илмий техник ҳамкорликни ривожлантириш учун ва бошқа соҳалар юзасидан 80 га яқин икки ва кўп томонлама битимлар имзоланди.

1992 йил март ойида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё, Қозоғистон ва Озарбойжон Республикаларининг таълим вазирлари раҳбарлари учрашиб, ОЎМТ соҳасидаги 1992-1996 ўқув йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилди.

Республикамиз ОЎЮларида илмий педагогик ходимлар тайёрлаш самарадорлигига ҳам катта эътибор берилмоқда. Шу соҳа кадрларини қайта тайёрлаш, мутахассисликлар бўйича ривожланган хорижий мамлакатларнинг олимлари ҳамда илмий марказлари билан алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқори малакали илмий-педагог ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш таълим ва фан ривожланиши, жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Таълимий тизимда ҳам профессор ўқитувчиларнинг ТАСИС, АЙРЕКС, ФУЛ-БРАЙТ, СОРОС, ДААД, АКСЕЛС дастурлари ва бошқалар доирасида илмий ва малака ошириш курсларини ўтаб келишлари талабаларнинг янада чуқур билим олишларини таъминлаяпти. Чет эл университетлари олимлари, турли дастурлар мутахассисларининг таълим даргоҳларимиз жараёнига узлуксиз равишда жалб қилиниши ҳам бу борадаги муваффақиятларимиз сирасига киради. Шу ўринда таълимга янги ахборот технологиялари кенг тадбиқ этилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Халқаро информацион ресурслардан фойдаланиш мақсадида олий ўқув юрти профессор ўқитувчилари ва талабаларга электрон почта ва интернет глобал информацион тизимлари хизмат кўрсатмоқда. Мамлакатимиз ўқув масканларида масофадан ўқитиш шакли ҳам ташкил қилинмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида халқаро алоқаларнинг кенгайтирилиши тизимдаги муваффақиятларга кўмак берди.

А.ШОМУРОДОВ,
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси
Ш.НАЗАРОВ

Yomg'ir paytida uning suvlariga cho'milsam Alloh mening barcha gunohlarimni barglar, o't-o'lanlar changu g'uborlarini yuvgandek yuvib ketadi.

Valentina hali tug'ilmagan bolasini sotib, turar joylik bo'lmoqchi va internatdagi o'g'lini yoniga olib kelmoqchi...

МАСАЛЧИ ДОНИШМАНД

Фригиялик донишманд Эзоп милоддан аввалги 640-560 йилларда яшаб ўтган. У Самос оролидаги Иадмон исмли кишининг қули бўлган. Эзоп ижодининг энг гуллаган дамлари милоддан аввалги 600 йилларга тўғри келади. Тарихий манбаларга кўра, Эзоп 400 га яқин масал битган.

Эзопнинг номи биринчи марта Ҳеродот (Геродот, қадимги юнон тарихчиси, V аср) асарларида йўл-йўлакай тилга олинади. Ҳеродот Эзопни етарлича машҳур бўлган тарихий шахс сифатида тасвирлайди ва унинг масалчи, қул бўлганлигини таъкидлаб милоддан аввалги 560 йилларгача яшаганлигини, ниҳоят уни қандайдир сабабга кўра Дельфада ўлдиришганлигини ёзади.

ЭЗОП ҲИКМАТЛАРИ

...Устозингни ота-онанг қаторида ҳурматла. Ота-онани сенга табиат ато этган бўлса, устозинг сени ўз ихтиёри ила севади. Шунинг учун ундан икки карра миннатдор бўлмоғинг жоиз.

...

Эртанги ишлар учун саломатлигинг яроқли ва куч-қувватинг етарли бўлишини истасанг, кундалик таоминг сифатли ва етарли бўлсин.

...

Ёшинг ўтиб қолганда илм олишдан уялма. Зеро, ҳеҳдан кўра кеч илм олмоқлик афзалдир.

...

Пулинг кўп бўлса, қувонма, кам бўлса куйинма.

ЭЗОП МАСАЛЛАРИ

Бир ҳукмдор Эзопдан сўради:

"Не сабабдан донишмандлар бойларнинг ҳузурига келадилар-у, бойлар донишмандларнинг ҳузурига боришмайди?"

Эзоп шундай жавоб берди: "Бунинг боиси шундаки, донишмандлар ўзларига нима кераклигини яхши биладилар. Давлатмандлар эса билишмайди. Агар билишганда молдунё ғамида яшамасдан, донишмандлик пайида бўлардилар".

ЗЕВС ВА ИЛОН

Зевс тўй қилаётган эди. Ҳамма ҳайвонлар топганларини унга совға қилиб келтиришди. Илон ҳам гул тишлаган кўйи судралиб келди. Зевс илонни кўриб шундай деди: "Мен бошқаларнинг совғасини қабул қиламан. Аммо сенинг тишингдаги туҳфани олмайман".

Масалдан хулоса шуки, ёмон одамларнинг яхшилигида ҳам хатар бор.

ҚАРИЯ ВА АЖАЛ

Бир қария ўрмонда ўтин кесиб, уни уйи томон судрай бошлади. Йўл жуда олис эди. Қария ҳолдан тойиб, ўтинни ташлади-да, Яратгандан ўзига ўлим тилаб ёлворди. Шунда Ажал ҳозир бўлди ва қариядан нима учун йўқлаганини сўради. Қария Ажалга шундай жавоб берди: "Ўтинимни кўтаришиб юборишинг учун сени чорлагандим".

Қиссадан ҳисса шуки, инсон қанчалар бахтсиз бўлмасин, ҳаёт барибир ширин.

"Ҳақиқат манзаралари" китобидан олинди.

Tafakkur javohirlari

КУНҒИРОК ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

Ёмғир ҳақида ёзишни ҳамиша яхши кўрганман. Ёмғир ҳақида доимо янги бир сўз айтгим келади. У менга кўп яхши кунларимни, бегубор болалигимнинг ширин дамларини эслатади. Ёмғир бутун оламни ювганидек руҳимдаги ғуборларни ҳам ювиб кетишига негадир ишониб қолганман. Кўкдан тушаётган раҳмат нурларига юз ювиб туриш завқини тотган одамлар менинг бу ҳолатимни мендан яхши биладилар.

Мана бугун ҳам якшанба. Ошхонам деразасидан шиддат билан ёғаётган ёмғирни кўриб, негадир ёмғир сувларида чўмилишни, шундоқ эшикни очиб кўчага чиқиб кетишни ўйлаб турибман. Аммо негадир журъатим етмади. «Ўзи даволанаётган бўлсам, эндигина тузалянман, яна бир балони бошламай» деган ўй мени қоғоз-қалам олишга ундади.

Шу лаҳзаларда қайсидир маънода катта бўлиб қолганлигимни, яна қайсидир маънода жуда-жуда кичрайиб кетганлигимни ҳис қилдим. Ақлим сал тўлишибди, ўз жонимнинг қадрига етадиган бўлиб қолибман, турмушнинг арзимаган икир-чикирларини ўйлайдиган, туйғуларимдан кўра кўпроқ ақлимга қулоқ тутадиган бўлиб қолибман. Бундан бир неча йиллар аввал, балки бир йилдир «касал бўлиб қолсам-чи, фалон сўмим кетиб қолади» деган ҳадиклар кўнглимда йўқ эди. Нимани истасам, нимани хоҳласам ўша ишни қилаверардим. Ёмғир остида чўмилиш керакми, чўмилардим, қор устида ўмбалоқ ошиш керакми, ошардим, оппоқ, момиқ қорни каппалаб ейиш керакми, ердим. Баҳору ёз, кузу қишнинг мен учун фарқи йўқ эди. Ёмғир ёғиши билан ҳовлига, очиқ кенгликка чиқиб олардим-да сочларим, кийимларим ҳўл бўлгунча осмонга тикилиб, кафтларимни ёмғир томчиларига тутиб туравердим. Ҳовучларимга осмондан тушаётган бу раҳмат нурларининг ҳаммасини сиғдириб олишга ҳаракат қилардим.

Онам бу аҳволимни кўриб «ҳой эси паст қиз, шалаббо бўлиб кетибсан-ку, кир уйга. Бошқа болаларга ўхшаб ёмғирдан қочсанг-чи» дея тергашни бошлардилар ва ўз-ўзига «Жинни -пинними бу, ёмғирдан ҳеч қочмайди-я», деб кўярдилар. Кейинчалик онамдан танбеҳ эшитмаслик учун ёмғир бошланиши биланоқ кимникигадир бориб, ниманидир олиб келишга шошадиган бўлиб қолдим. «Ая, ая Жамила опамлар манти қозонимизни олиб кетган эди. Обкеп қўяйми? Анор опам билан эртага фалон жойга боришингиз керак эди-ку, шуни айтиб чиқайинми, яна уларнинг эсидан чиқиб қолмасин. Бувимнинг, ўтган куни келганида рўмоли қолиб кетган экан, кеча борганимда ўшани олиб келиб бер дегандилар. Ташлаб келайинми?»

Менинг бу қадар сергайрат бўлиб кетганимнинг сабабини онажоним тушунолмай ҳалак бўлардилар. Ёмғирдан бошқа пайт бўлганда-ку, минг марта айтсалар ҳам кўчага чиқмасдим-да. «Бошқа пайтда кўчага чиқаролмайман, намунча, тинчликми?» дердилар ҳайрон бўлиб. «Ёмғирда кўчада бало борми, ўтир уйда. Ёмғир тинсин-чи. Бугун-эрта манти қилмаймиз, бувинг ҳам битта ўша рўмолга қараб қолгани йўқ».

Мен барибир, нима қилиб бўлсада ёмғирли осмон остига қочиб чиқиб кетардим. Кейинчалик менда шундай тушунча пайдо бўлди. Ёмғир пайтида унинг сувларига чўмилсам Аллоҳ менинг барча гуноҳларимни барглар, ўт-ўланлар чангу ғуборларини ювгандек ювиб кетади. Мен минг уриниб кетказолмаганим руҳимдаги ғуборларни ҳам мана шу ёмғир ювади. Шунинг учун ёмғир остида кўп туришим, шунинг учун ҳам мен ёмғирни яхши кўришим керак. Сочларимни силайдиган бир меҳрибон қўл топилгунча ёмғир менинг сочларимни силайди. Мен унинг меҳру муҳаббатини ҳис қилиб тураман. Сочларимнинг учидан биллурдек соф томчилар томади. Бошимни кўтариб осмонга қарайман. Ҳар бир томчи юзимга зарб билан урилиши, азоб бериши керакдек назаримда. Йўқ улар оҳиста юзимга қўнади. Ва шундай секинлик билан пастга сирғалади. Баъзан юзимдаги томчиларнинг қайси бири кўз ёшларим эканлигини билолмай қоламан.

Ёмғир тингач ҳамма ёқ мусаффо, топ-тоза бўлиб қолади, осмон ҳам юзини обдон ювиб олган чиройли қиздек яна ҳам гўзаллашади. Дарахт япроқлари маълум фурсат силкиниб-силкиниб томчилар билан ўйнашади. Мен ҳам умид қиламанки руҳимдаги ҳаловатсизлик, кўнглимдаги бесаранжомлик мана шу ёмғир билан ювилиб кетган бўлсин, деб. Ёмғирдан сўнг бир муддат ҳеч нимани кўрмай қоламан. Руҳимни ислоҳ қилишга ҳаракат қиламан. Ҳаёлимда Бобо Машрабнинг «Кўздан чунон ёш тўккин иймонинг баҳра олсин, боғу чаман кўкармас ёмғир қуйилмагунча» деган мисралари айланаверади. Менда руҳимни ислоҳ қилишга ҳаракат бошланади.

Ва ҳар сафарги ёмғирдан кейин бир нарсани англайман. Кўнглимдаги туғёнлар, руҳимдаги парокандалик минг йил ёмғир остида турсамда, бир умр кўкдан тушаётган томчиларга чўмилсам-да ювилиб кетмас экан.

Мана ёмғир энди шиғалаб ёғишга ўтди. Кўнглимдан шундай фикрлар кечмоқда: Майли касал бўлсам тузаламан, дори-дармонга пул ҳам топилади. Ёмғир остидаги ҳаловатга нима етсин. Мен ҳозир ўзимни ёмғир ихтиёрига топширамаман.

Tuyg'u

Ёмғир менинг синглим, овунчоғимсан,
Кўнглимга ҳокимсан, руҳи покимсан.
Мен душманни севдим, дўстни билмадим,
Сен онам бермаган кўзмунчоғимсан.

Ёмғир шивирингдан ўзимни топдим,
Топдим йўқотганим ҳаловатимни.
Ёмғир муҳаббатим, меҳримсан ёмғир,
Сен Аллоҳга етказ тиловатимни.

Ёмғир ўксик дилман, сирдошим ўзинг,
Мен ахир билмадим ўрним, шаънимни.
Кимлардир кўнглимни ўлдириб кетди,
Яна кимлар сотиб номим, қадримни.

Ёмғир сирдошимсан, дўстимсан ЁМҒИР...

Мен ҳали ёмғир ҳақида, унинг менинг ҳаётимга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири ҳақида кўп ва хўп ёзаман...

МУРОДЛИ ДИЛ

ОНАМ БЕРМАГАН КЎЗМУНЧОҚ

«СУВ ВА ҲАЁТ»

Suv — kelajak uchun

Газетанинг яқин сонларида чоп этилган "Сув ва ҳаёт" суҳбатини ўқиб, сувнинг инсон ҳаётидаги энг керакли неъмат эканлиги, сувни тежаш, асраб-авайлаш бугунги кунимизнинг муҳим муаммоси эканлигини яна бир бор англаб етдим. Айниқса, муаллифларнинг "керак бўлса бир қултум сув учун бутун дунёмиздан кечишга тайёр бўламиз, лекин олдимиздан беҳуда сув оқаётганига эътибор бермаймиз. Биз фарзандларимизга нафақат моддий молмулк, балки ҳаётлари учун энг зарур бўлган тоза ва танқис бўлмаган сув ҳам қолдиришимиз зарур", дея юритган мулоҳазаларини ўқиган ҳар бир газетхоннинг кўнглида бир нима силкиниши табиийдир.

Суҳбатда айтилган бутун дунёдаги сувнинг атиги 2 фоизигина чучук ичимлик суви эканлиги, мамлакатимиздаги дарёларнинг, Орол денгизининг тақдири ҳақидаги маълумотлар ҳар бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Мен касбим тақозоси билан кўп жойларда мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, институтларга бораман, пойтахтимиз кўчаларида, кўп қаватли уйлар олдида водопровод сувларини кир ювиш, гилам, полослар ювиш вақтида беҳудага оқизаётганликларини кўраман. Агар шу сувларни тежаб, керакли пайтда ишлатиб, қолган вақтда жўмракларни бураб қўйилса қанчадан-қанча ичимлик суви тежалиши мумкинлиги хаёлимдан ўтади. Ичимлик сувини беҳудага сарфламасдан, тежаб ишлатиш, келажак авлод учун ичимлик суви заҳирасини бойлик қилиб қолдириш ҳар бир юртдошимизнинг бурчи бўлиши лозим.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ



Суратларда: пойтахтимиз кўчаларида, кўп қаватли уйлар олдида, маҳаллаларда ичимлик сувини юртдошларимиз томонидан беҳуда сарфланаётганлиги акс этган.

Муаллиф олган суратлар.

УЙ БЕКАЛАРИГА

Maslahat

Сут узоқ вақт ачиб қолмаслиги учун унга шакар солиб қайнатиш керак. 1 литр сутга 1 чой қошиқ шакар солинса етади.

Ёғ ва ёғли маҳсулотларни полиэтилен пакетида сақлаш мумкин эмас. Улар тезда бузилади ва ёқимсиз ҳид ҳосил қилади.

Ачиган сариёғ қайтадан эритилса, ёқимсиз ҳиди йўқолади. Ачиган ёғ ёки мойга майдаланган пиёз қўшиб қовурилса ҳам ҳиди йўқолади.

Агар апельсин ва лимонларнинг устига ўсимлик мойидан суртиб целлефан халтачага ўраб, ёпиқ идишга солиб салқин ерда сақланса, узоқ вақт янги узилгандек сақланади.

Сув солинган банкада ҳам лимонни узоқ вақт янги ҳолатда сақлаш мумкин. Сувни кунига 1-2 марта алмаштириб туриш керак. Ҳаммасидан ҳам лимонни қуруқ қумда сақлаш қулай. Қумни қуритиб қутига солиш керак ва унга лимонларни бир-бирига тегмайдиган қилиб жойлаштириш керак.

Янги сутни қоронғу жойда сақлаш керак. Нур таъсирида у кўпгина витаминларини йўқотади.

Артилган картошка қораймаслиги учун уни сувда сақланади, аммо қисқа вақт давомида сақлаш керак, акс ҳолда унинг устки қаватидаги азот моддалари, шакар сувга чиқиб кетади, С витамини парчаланади.

Данакли резавор ва мева консерваларини бир йилдан ортиқ сақлаб бўлмайди, чунки уларда инсон саломатлиги учун хавфли цианид кислота тўпланиб қолади.

Туз сақланадиган идишга босма қоғоз ёки бир неча гуруч донаси солиб қўйилса, тузни ивиб қолмасдан ёки ёпишиб, қумоқ ҳосил бўлишидан асрайди. Шунда ҳам ҳўлланиб қолса, унга 8-10 процентли картошка крахмали аралаштириб қўйилса, ҳавонинг ҳар қандай намлигида ҳам у қуруқ ҳолда сақланади. Бунда озгина миқдордаги крахмал тузнинг на рангини ва на мазасини ўзгартиради.

Кофени шиша идишда ёки металл банкаларда қуруқ ва қоронғу жойда сақлаш керак.

«Турмушда тежамкорлик сирлари» китобидан

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Халқ таълими вазирлиги, ўқувчи-ёшлар ўртасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, улар билан профилактик ишларни олиб бориш учун мўлжалланган жиҳозлар, ўқув қуроллари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи кўргазмали плакатлар чиқариш учун тендер эълон қилади.

Тендерда Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча турдаги нашриётлар, компаниялар, фирмалар, таълим муассасалари учун ўқув жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Тендерда қатнашиш истагини билдирган ташкилот ва муассасалар жорий йилнинг 1 январига қадар ўзларининг ишланмалари ва таклифлари билан Халқ таълими вазирлигига мурожаат этишлари керак. 1 январдан кейин мурожаат қилган ташкилотларнинг таклифлари инобатга олинмайди.

Мурожаат учун телефонлар: 139-16-65, 139-46-95

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони — 5, Халқ таълими вазирлиги

«ЁҚУТ» СКАНВОРДИ



Xullas...

КАТТА ОДАМНИНГ БОЛАЛАРЧА ҚИЛИҒИ

Жанубий Шотландияда яшовчи Том Гопкинснинг энг ажойиб эрмаги Барби қўғирчоғининг кўйлаклари фасонидир. Ахир 1959 йилдан бери бундай қўғирчоқлардан неча биттаси ишлаб чиқарилган бўлса, кўйлаклари ҳам шунча. Барбининг «кавалери» Кеннинг либосларига ҳам ҳайратомуз коллекция йиғиш мумкин.

Том ўз Барбисининг эгнига ўша либослардан гоҳ унисини, гоҳ бунисини кийдиради, сочларини тарайди, оро беради. Агар кийдирган кийими қўғирчоқларга мос тушмаса ёки ярашмаса, Том Гопкинс қўлига қайчи ва матони олиб, ўз «болалари»га костюм тика бошлайди. Коллекциялари шу қадар кўпайиб кетдики, улар учун махсус хона ажратишига тўғри келди.

Катта ёшли кишида болаларга хос бундай қизиқиш деярли учрамайди, деб хабар беради «Сан» газетаси.

«ТИЛЛА» ХОНИМ

Самолётга чиқишдан олдин йўловчи хоним божхона ходимларининг текширувидан ўтиш учун жомадон ва сумкаларини қўйди. Бизнес учун мўлжалланган тилла буюмлари эса ўзида қолди.

Текширувдан ўтаётган пайтда Қозон аэропорти ходимлари аёлнинг кийимларига бир амалаб жойлаштирилган тилла буюмлари борлиги тўғрисида огоҳлантирувчи овозга дуч келдилар. Божхона пости бошлиғининг кўрсатмасига биноан, у бирма-бир тинтув қилинадиган бўлди. Аёлнинг кийимларидан 123 та узук, 26 та билак-узук, 66 та бўйинга тақиладиган занжир, 20 жуфт зирак топилди.

«Вечерняя Казань» газетасида хабар берилишича, тилла буюмлар контрабандаси билан шуғулланган хонимга нисбатан жиноий иш қўзғатиладиган бўлди.

СОТИЛАДИГАН БОЛА

Валентина Пантюхина Кишинёвда чиқадиган газета таҳририятларидан бирига кутилмаган мазмундаги хат жўнатди.

Мактубда ёзилишича, Валентина ўзининг туғилмаган боласини сотмоқчи экан. Унинг ҳомиласи ҳали етти ойлик эмиш. Февраль ойида озодликка чиқарилган аёл ўзининг аввалги турар жойидан айрилганини билмас эди. 19 ёшдаги ўғли ҳам қамоқда, кейингиси интернатдан паноҳ топган. Фарзанднинг ўғил ёки қизлигини олдиндан айтиб берадиган аппарат унинг яна ўғиллик бўлишини билдирди.

Тирноққа зорлар йўқ эмас, аммо боладан безор бўлганлар уларга нисбатан камроқ. Валентина ҳали туғилмаган боласини сотиб, турар жойлик бўлмоқчи ва интернатдаги ўғлини ёнига олиб келмоқчи...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-129.
Тиражи 18064. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи: Даврон ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —